

Яқунланаётган ўқув йилида республика бўйича 592.298 нафар йигит-қиз умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатмоқда.

Битирувчилар билан ўтказилган психологик-педагогик ташҳис ҳамда ташвиқот-тарғибот ишларидан маълум бўлдики, уларнинг 85.305 нафари академик лицейларга, 506.993 нафари турли йўналишдаги касб-хунар коллежларига кириш истагида.

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

#21

(388)

YURIDIK GAZETA

May	
D.	30 2 9 16 23
S.	31 3 10 17 24
Ch.	4 11 18 25
P.	5 12 19 26
J.	6 13 20 27
Sh.	7 14 21 28
Y.	1 8 15 22 29

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

www.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Кеча Тошкент вилоятида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига старт берилди. Мусобақаларда 2170 нафар ўқувчи ғолиблик учун беллашди.



VOQE'A JOYIDAN

Телеэкранда айрим хорижий давлат арбобларининг ОАВ хабарларига асосланиб, гўё Андижонда «тинч намоийш ўққа тутилгани, бу эса демократия принципларига зидлиги» тўғрисидаги баёнотларини кўриб, эшитиб, табиий савол туғлади: воқеалики, фактларни бузиб талқин қилаётганларнинг муддаоси нима? Фожеали воқеалардан кейин гўё водийнинг гоҳ у, гоҳ бу ҳудудда башбошдоқликлар, митинглар, ҳатто қуролли тўқнашувлар юз бергани тўғрисида тарқатилган уйдирмаларнинг ўзи бу саволга аниқлик киритади. Мақсад – оловга мой сепиб, ўт кўйиш ва ана шу юзлаб, минглаб кишиларни жизганак қилувчи ёнган тафтида исинишдан бошқа нарсаси эмас! Россия телеканалда гўё чегарадаги Корасув дарёси бўйида митинг бўлганини кўрсатиб, шарҳлашди. Маълумки, ўзаро битимга мувофиқ Ўзбекистоннинг Андижон ва чегарадош Қирғизистоннинг Ўш вилоятлари аҳолиси визасиз икки тарафга бориб-келиб туриши мумкин. Табиийки, фожеали воқеалардан сўнг чегарадаги ўтмиш жойлари ҳам ёпиб қўйилди. ОРТ телеканалининг қўшни давлатга бозор-ўчарга отланган, лекин чегарадан ўтказилмай, тўпланган 100-150 нафар одамларнинг тасвирини митинг деб шарҳлаши уйдирма эмасми?!

Уйдирма ва ҳақиқат

Андижоннинг Навоий шохқўчаси, вилоят босмахонаси ёнида «Хўжуқ сабоқлари» ҳафтаномаси таҳририяти жойлашган икки қаватли бинонинг кўча деворида кўплаб ўқ излари. Бир неча ўқ дераза ойнасини тешиб ўтиб, ички хона деворини ўйиб кўйган. Айрим чет эл нашрлари наздидаги «тинч намоийшчиларнинг тунги босқинчилик хуружидидаги «дастхатлари» бу! 12 майдан 13 майга ўтар кечаси шаҳардаги ҳарбий қисмга ҳужум қилиб, қурол-аслаҳаларни кўлга киритиб, қамоқхонадаги 600 га яқин маҳбустни бўшатиб, ўз сафига қўшган босқинчи тўда вилоят ИИБ бошқармаси биносига муносиб қаршиликка дуч келгач, Навоий шохқўчаси бўйлаб вилоят ҳокимлиги биносига йўл олган, йўл-йўлакай кўчанинг икки юзидаги биноларни пала-партиш ўққа тутишган. Идора ва турар-жой бинолари деворларидаги ўқ излари «тинч намоийш» эмас, босқинчилик хуружидан далолат беради.

– Туни билан ухловмадик, – дейди Холиқберди Мирзаев. – Эрталаб катта-кўчада кўни-кўшни болалар ҳокимият майдонига кетишляпти. Нима қиласиз, қаерга кетяписиз, деб сўрасам, бориб кўрайлик-чи, нима гап экан, дейишди. У ерда намоийш ҳам, митинг ҳам эмас, ўша йигитларга ўхшаб, томошатаблар тўпланишганди. Ғаламислар улардан тирик қалқон ўрнида фойдаланишди. Бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлишди.

– Ўша кун ишдан жавоб беришди, – дейди поликлиникада ҳамшира бўлиб ишловчи Наргизахон Раҳматова. – Уйда болаларим билан юрак ҳовучлаб ўтирдим. Бирга ишлайдиган дугонанинг акаси милицияда ишларди. Ҳалок бўлибди. Тинч турмушимизга раҳна солмоқчи бўлганлар қонун олдида жавоб бериши керак!

– Аллоҳга ҳуш келмайди қилмишлари, – дейди 69 ёшли отахон Турғунбой Дадабоев. – Алхамдулиллоҳ мусулмонимиз, беш вақт номозни қанда қилмаймиз. Ақромийлар қонли тўқнашуви уюштириб, ўз башараларини кўрсатиб қўйишди. Халқ уларга эргашмади, латнатилади бузғунчиларни!

Шаҳар кўчаларида машиналар серқатнов. Ҳаёт маромига тушган. Автомобилларнинг эҳтиёт қисмлар бозори, Марказий деҳқон бозори одатдагидай гавжум. – 13-14 май кунлари бозор берк эди, – дейди «Янгибозор» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Дилшодбек Азизов. – Етмиш нафар ходимимиз хушёр бўлиб туришди. Ўн бешинчи кун бозор очилиб, иш бошлади. Нарх-наволар ўзагарани йўқ. Қартошка, сабзавотларни бошқа вилоятлардан келтириб оришляп-миз бўлган. Уларнинг нархи аввалгига нисбатан паслади ҳам.

Вилоят ИИБ бошқармаси қаршисида, дарвоза олдида кекса-ёш отахон-онахонлар яқинларини суриштириб келишган. ИИБ ходими уларнинг саволларига бафуржа жавоб қайтаряпти. Рўйхат бўйича қаердалигини айтиб турибди.

– Ҳеч қаерда ишламасди, бекорчи эди, – дейди ўзини танитишни истамаган, етмишни қоралаган отахон. – Ҳайрият, тирик экан. Сўроқ бераётган экан. Бетавфиқ, қандоқ қўшилиб қолди, ўйлаб ўйимга етмайман. Юзимизни ерга қаратди...

Андижон воқеаси, фожеасини ўз сиёсий мақсадларини кўзлаб, бир ёқлама талқин қилиб, жамиятимизга нифоқ солишга орузмандлар ниятларига эриша олмаслиги андижонликларнинг фожеали воқеаларга муносабатларида ҳам намоён бўлмоқда.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Huquq» муҳбири

MUNOSABAT

ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИКДАН АЙИРМАСИН

Шу йилнинг 13 май кун и Андижон шаҳрида бир гуруҳ жангарилар, қабих ниятли кимсалар томонидан содир этилган босқинчиликлар барча тинчликсевар ўзбек халқи қатори бизни ҳам ларзага солди. Қон тўкиб, бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган, биноларга ўт кўйиб, вайрон этганларга нисбатан нафратимиз ошди.

Юртбошимиз бу нохуш воқеаларни мамлакатимиз учун фожеа деб баҳолади. Дарҳақиқат шундай. Лекин, бу фожеада меҳнаткаш, кўнгли очик оддий андижонликларнинг ҳеч қандай айби йўқ.

Булар жамиятимизга ёт турли экстремистик оқимларни тарғиб этаётган ва уларга ён босган калтафаҳм кимсаларнинг қилмиши албатта. Мустақиллик йилларида Андижонда иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ижобий ўзгаришлар, юксалишлардан хабардоримиз. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги Андижон деҳқонларининг тажрибаси

биз учун ҳам қўл келмоқда.

Оддий халқ учун, айниқса, биз ва бизга ўхшаган деҳқонлар учун тинчлик ва хотиржамликдан кўра зиёдроқ неъмат йўқ. Тинчлик бўлса меҳнат қиламиз, ризқ етиштирамиз, тинчлик бўлсагина дастурхон атрофида хотиржам ўтираемиз, тўйлар қиламиз.

Андижондаги нохуш воқеаларга ўз вақтида барҳам берилиб, осойишталик изга тушганидан хурсандимиз. Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган матбуот анжуманида қатъий билан ўтказган фикрлари айниқса, халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди, руҳимизни янада кўтарди.

Бўлса борингни кўролмайдиган қора ниятчиларга орамизда урин йўқ.

Бектурди ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Хива тумани

ОБОНЛИК

Наманган шаҳар прокуратураси ўз ҳудудидаги мактаблардан тортиб, олий таълим муассасаларига мустаҳкам алоқа ўрнатган. Прокуратура ходимлари тез-тез бу жойларда бўлиб, учрашувлар, суҳбатлар ўтказишди. Набатдаги учрашув юридик коллежида бўлиб ўтди. Унда вилоят прокурорининг қатта ёрдамчиси Собиржон Норбўтаев бошчилигида шаҳар прокуратураси ходимлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарлари иштирок эттишди.

ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Вилоят ва шаҳар прокуратураси билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган, — дейди юридик коллеж директори Баҳриддин Таллопов. — Андижонда бўлиб ўтган воқеаларнинг эртаси кунёқ прокуратура ходимлари коллежимизда бўлиб жамоа ва ўқувчилар билан хунрезликлар ортда ким ва қандай манфаатлар турганлиги ҳақида батафсил маълумот беришди. Бундай учрашувлар нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятдаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтмоқда. Айниқса, прокуратура органлари ташаббуси билан барча таълим муассасаларида Андижондаги воқеалар тафсилотига оид махсус бурчаклар ташкил

этилгани ўқувчиларга қўл келмоқда. Мазкур бурчакларда мамлакат Президенти ва Бош прокурорининг матбуотдаги чиқишлари, Андижондаги ҳолат юзасидан республика-миз ОАВда чоп этилган мақолалар билан бирга «Акромилар»нинг келиб чиқиши, мақсадлари ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Бундай жонли мулоқотлар, олиб борилаётган тарғибот ишлари келажимиз бўлган ёш авлодининг Андижонда рўй берган ноҳус ҳодисаларни узунқулқоқ гаплардан, миш-мишлардан эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мутасадди ходимларидан ҳақиқатни билиб олиш имконини бермоқда. **А.МАДАТОВ,** «НУҚУҚ» муҳбири

FAOLIYAT

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Аёлни эъозлаш, уларни асраб-авайлаш жамиятимизнинг биринчи галдаги вазифасидир. Таъкидлаш жоизки, демократия устунларининг бири ҳам аёлларнинг жамиятдаги тенг ҳуқуқлилиги таянган. Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимизда аёллар ўрни ва фаоллигини ошириш борасида ҳукумат томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони ва шу асосда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантирди. Тошкент транспорт прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамаси қарори ва ишлаб чиқилган дастур ижроси юзасидан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамада Тошкент минтақавий темир йўл тизими корхоналари, темир йўл бекатларида ишлайётган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ишларнинг аҳволи ўрганилди. Текширишларда айрим корхоналарда аёлларга берилмайдиган кўшимча кафолатлар, яъни «Меҳнат кодекси»нинг 232-моддасига асосан 12 ёшга тўлган 2 та фарзанди учун ҳақ тўланадиган 3 кунлик кўшимча таътил бериш ҳамда 116 ва 228-1 моддаларида кўрсатилган иш вақтини қисқартириш би-

лан боғлиқ ҳуқуқларнинг бузулишига йўл қўйилганлиги аниқланган. Жумладан, «Ўзбекистон» локомотив депоси маъмурияти томонидан мазкур корхонада ишлайётган Р. Товбаева, М. Нажимова, Г. Тен, Г. Умришева, М. Улходжаева, Д. Қосимова, Г. Ибрагимова, А. Миранова, Д. Камолова, Н. Абдурахимова, А. Казариноваларга меҳнат таътили берилишида 12 ёшга тўлмаган 2 та фарзандлари учун ҳақ тўланадиган 3 кунлик кўшимча таътил бериш ҳисобга олинмаган. Шунингдек, хотин-қизларнинг иш шaroитларини яхшилаш юзасидан камчиликларга йўл қўйилган. Тошкент тармоғидаги алоқа ва сигнализация дистанцияси ишчиларининг аксарияти аёллардан иборат бўлиб, текширишда уларнинг махсус кийимларсиз ишлайётганлиги, ЭП-1 корхонасининг Бинокор участкасида эса аёлларга махсус кийим-бошлар стандарт талабларисиз ажратилганлиги гувоҳ бўлди. Бундан ташқари, зарарли шарoитларда ишловчи аёлларга мўлжалланган махсулотлар ҳам етарли даражада эмаслиги аниқланди. Текшириш натижасига кўра, корхона раҳбарларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди. **Муборак НАЖМИДДИНОВА,** Тошкент транспорт прокурори ёрдамчиси

SUD-HUQUQ ISLOHATI

Истиқлол ғоялари амалда

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар жамиятимизни демократлаштиришда, инсонпарварлик тамойилларига кенг йўл очишда қатта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, «Жинoий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жинoят, Жинoят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Жинoий жазоларнинг либераллаштирилиши туфайли суд-ҳуқуқ тизимида муҳим тадбирлар амалга оширилди. «Жинoят кодекси»даги жинoят таркибидан 86 тагини яъни 18,7 фоизини ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жинoятлар ташкил қилса, ҳозирда унинг 42,8 фоизини ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жинoятлар ташкил қилади. Юқорида тилга олинган қонун амалга киритилгунча судларда ишчи кўриб чиқиш ва уни моҳиятан ҳал этиш муддатлари чегараланмаган эди. Натижада айрим ишлар ойналаб, йиллаб ўз ечимини топмай, судланувчиларнинг узок вақт ҳибсада сақланишига, суд процессига жалб қилинган бошқа фўқароларнинг сарсонгарчилигига сабаб бўларди. Янги қонун қабул қилингандан кейин жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, уларни жинoий жавобгарликдан озод қилиш тамойилларини кенгроқ қўллаш имконияти юзага келди. Бу имконият ҳалқимиз мен-талитетига мос келадиган ярашув институтининг

ҳаётга кириб келишида намоён бўлди. Қонун қабул қилингандан буён вилoятимизда юзлаб шахслар жинoий жавобгарликдан озод этилди. Урганчлик Комилжон Сатторов С.Рўзметовнинг хонадонига кириб, 80 минг сўмлик мол-мулкни ўғирлаган. Суд ўзин ҳаракатларида ЖКда кўрсатилган жинoят аломатларини аниқлади. Жинoят кодекси ва Жинoят процессуал кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, ярашганлик муносабати билан жинoят иши тўхтатилди. Юқоридаги қонунга асосан оғир ва ўта оғир жинoятга учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган аёлларга нисбатан умумий тартибли жазони ўташ калонияси, бошқа барча озодликдан маҳрум этилган аёлларга нисбатан манзил калонияси тайинланади. Воёга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг либераллаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда воёга етмай туриб, эҳтиёссизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жинoят содир этган шахсларга нисбатан ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди. Бундай шахсларнинг жазони озодликдан маҳрум қилишининг умумий ёки кунайтирилган тартибли тарбия калонияларида ўташи беқор қилинди. Жинoий жазоларнинг либераллаштирилиши ҳамда ярашув институтининг жорий қилиниши чинакам инсонпарварлик белгисидир. **Х.ЖУМИНЁЗОВ,** Хоразм вилoят прокурорининг ўринбосари

SHAHAR BEDARVOZA EMAS

Фаргона шаҳрига кираверишда йўл ҳаракати хавфсизлиги вилoят бошқармасининг биноси жойлашган. Бу ерга қўйилган йўл белгиларини қўрган ҳайдовчилар тезликни пасайтиришди. Германияда ишлаб чиқарилган «BMW» автомобилни бошқариб бораётган Шукрулло бошқа машиналар қатори секинлади. ЙХХБ хизмати ходимининг ишораси билан машинани йўл четига тўхтатди. Ҳужжатларни сўраган нозирнинг атрафида парнона бўлди. Автомашинани ҳеч қарерда рўйхатдан ўтказилмаган эди. Шукрулло қалбаки 30 Г 0201 давлат белгисини ўзбoчималик билан машинага қўдаб олиб, бошқариб юрганди. Бунинг жинoят эканлигини унутган чоғи. Автомашинани бошқарма ҳовлисига киритилиб, суриштирув бошланганда унинг бошқа сирлари фoш бўла бошлади. Шукрулло Саъдуллаевага нисбатан жинoят иши қўзғатилди.

Сохта рақамли «BMW»

Ш.Саъдуллаев Охунбобоев тумани Кўприкбоши маҳалласида яшайди. Уйланган. Бир нафар фарзанди бор. Отасига тегишли фермер ҳўжалигида ишлаган. Унинг «Жигули»си борлиги аниқланади. Шукрулло хорижда тайёрланган импорт машиналарга ҳавас қилар экан, бир куни «Жигули»ни бозорга олиб чиқиб, 3.100.000 сўмга сотади. Импорт машиналар Киргизистоннинг Ўш шаҳрида арзонлигини эшитган Шукрулло 500 АҚШ долларини олиб, Ўшга равона бўлди. Божхонадан сўнча пул, бундан устига визасиз ўтолмаслигига ақли етиб, айланма йўллар билан қўшни давлатга ўтишга муваффақ бўлади. Паспорти йўқолгани учун ҳар эҳтиломга қарши онасиникини олган, агар савдо пийса, машинани шу паспорлга расмийлаштирмоқчи эди. Бозор айланиб, нарх-наволарни чамалаб, эски, лекин кўринишидан яхши тутилган «BMW»га ишқибоз бўлди. Эгаси ўшлик, Ж. Ҳўжаев экан. Шукрулло савдолашиб, нархни 5 мингга «кўкига» туширди. Жўраҳон ака олди-сотди шартномаси, машинани чегарадан ўтказиб бериш, шунингдек, ҳўжатларни расмийлаштириши зиммасига олди. Харидор «зақлад» тарзида 50 АҚШ долларини тутқазиб, қолганини уйимда оласиз, деди. Ж.Ҳўжаев шартномани тайёрлаб, машинани чегарадан ўтказиш ва Кўприкбошига ҳайдаб келади. Шукрулло унга 3.100.000 сўмини санаб бериб, қолганини уч-тўрт кундан кейин беришини айтади. Дастлабки тергов ва суд жараёнида таъкидлашча, машина бағажига Ўзбекистоннинг автомобил давлат белгиси бўлган. Шукрулло ана шу белгини машинага тақиб, миниб юрган. Бир куни у Фарғонада Давлат стандарти идорасида ишлайдиган танишидан боғхона тўловлари 10.000.000 сўмдан ортишини билиб олади. Расмийлаштирмай, онаси номидаги автомобилни рўйхатга қўя олмасди. У ҳўжатларини расмийлаштириши ортага суриб, қалбаки номерда қарийб беш ой машинани миниб юраверди. Оқибатда... Марғилонлик Сойибжон Ҳомидов эса қўшни давлатдан арзон-гаров машина келтириб, фойда кўриши мўлжаллади. Асака корхонасида гарчи «Тико» автомобили ишлаб чиқарилиши тўхтатилган бўлса-да, камчиқим бу машинанинг бозордаги нархи баландлигича қолаётганини яхши биларди. У «Фарғона-Қўбул» қўшма корхонасида ишлаб, ахшигина даромад оларди. Лекин, машина бозорида олиб-сотарлар тузуккича пул «ишлайгани»ни билиб, кўнгли сусет кетди. Сойибжон ҳудди Шукрулло каби боғхона масканини четлаб чегарадан ўтади. Ушдаги автомобил бозорига икки-уч қатнайди. Ниҳоят ўтган йилнинг ноябрида Зафар исмли йигит орқали Жанубий Кореядан келтирилган «Тико»ни ўшлик Д.Тoшматов номига расмийлаштирилган, давлат автомобил инспекциясида рўйхатга олинмаган бўлса-да, 2.300.000 сўмга сотиб олади. Келишилганидай «Тико»ни айланма йўллар билан чегарадан ўтказиб, Марҳамат туманида калитни Сойибжонга беради. Машинага ўртоғининг «Запорожец»и номерини қадаб юраверди. Аммо кўп ўтмай, ЙХХБ ходими томонидан тўхтатилди. Бўзқўннинг югургани сомонхонага чегаранидек, уларга тегишли жазо тайинланди. «BMW» ва «Тико» давлат фойдасига мусодарга қилинди.

QILMISH-QIDIRMISH

Шухрат Тўраев учун ўша кун галвали бўлди. «Кўйлик» дехқон бозорига томорқасида етиштирган махсулотларни сотиб ўз «Дамас»ида қайтаётганда ЙПХ ходими «ола таёғи»ни кўтарди. Шухрат инспектор билан «саломлашиш» ниятида дехқончиликдан тушган пулдан 1000 сўмликни ажратиб олди.

Тумшугидан илдинди

— ЙПХ ходими кичик, сержант Пўлат Алиев бўлман, — дея ўзини таништирди инспектор. — Сиз йўл қоидасини бузиб, иккинчи ҳаракатлаштириш чизигини босиб ўтдингиз. Ҳўжатларингизни беришг? — Кеңирасиз, шошиб тургандим, — дея Шухрат инспекторга ҳўжатларини узатди. — 1000 сўм жарима тўлайсиз, — деди инспектор ҳайдовчига қараб. — Мен розиман, — дея Шухрат пулни инспекторга узатаркан. — Жарима қоғозига кўп қўйинг, — буйруқ берди инспектор. Ишининг осон битганидан ҳурсанд Шухрат ҳўжатларга қўл қўйган, «Дамас»нинг «кўпоги»ни бурлади. 500-600 метр юрмай, яна ЙПХ ходимлари Шухратга тўхта ишорасини қилди. — Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ назорати профилактика бўлими инспекторлари Дилшод Турсунов ва

Суннатилла Тўлаганов бўламыз, — дея гувоҳномаларини кўрсатишди. — Ҳозир сизни ЙПХ ходими нима учун тўхтатди? — Йўл қоидасини бузганим учун 1000 сўм жарима олди. — Жарима қоғозини кўрсак бўладими? Шухрат уларга жарима қоғозини узатди. — Автомашинанингизни бизни орқамиздан ҳайданг, гап бор, — деди. «Азамат»лар бозордан қайтаётганимни билибди шекилли, хаёлидан ўтказди. — Шу жарима қоғозини сиз бердингизми, — сўради йигитлар инспекторга узларини таништирган. — Ҳа мен, — деди П.Алиевнинг ранги оқариб. —Унда ёнингиздаги бошқа жарима ҳўжатларини ҳам чиқаринг. Пўлат қолқонга тушганини билиб, ялғинишга тушди.

— Оғайнилар бошқа қайтарилмайди. Гап шу ерда қолсин, — дея яланди. Унинг чўнтағидан яна бир қанча жарима патталари чиқди. Текширишда уларни П.Алиев ксерокопиядан чиқариб олганини маълум бўлди. Бу йўл билан пул топилшининг антиқа усулини кашф этган. Аслида жарима патталарининг пули давлат газнасига тушиши керак. «Уддабўрон» ЙПХ ходими эса ксерокопиядан чиқарилган жарима паттасини қоидабўзар ҳайдовчига ёзиб, пулни чўнтакка уриб юраверди. Давлат томонидан берилган ҳўжжиги жарима патталарини эса ишдан сўнг «хеч ким қонидан бузмади» дея бўлимга топширади. Қоидабўзарлар эса минг сўм жарима тўлаб, кутилганга ҳурсанд бўлиб кетаверди. ...Суд ЙПХ ходими П.Алиевнинг қилимишга қонуний баҳо берди. **Файзулла ХАЙДАРОВ,** Ҳамза туман прокуратураси терговчиси

М. МИРЗАЖОНОВ, Фарғона вилoят прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi

PAKAM

Чоршанбадан чоршанбагача тахририят муштарылардан 27 та мактуб олди.

● **Madad talab maktab**

AMALIY YORDAM QACHON KO`RSATILADI?

Яқинда Муборак шаҳар 1-митти туман 21-уй 19-хонадонда яшовчи, фуқаро Ақром Қурбонов имзоси билан шикоят хати олди.

Унда айтилишича, у яшаётган кўп қаватли уйнинг иситиш ва совуқ сув тармоқлари анча йиллардан буён бирор марта ҳам таъмирланмаган. Натижада сув йўллари ярқисиз ҳолга келиб қолган. Бунинг оқибатида неча бор юқори қаватлардан сув томиб, пастдаги хонадонлар жиддий зарар кўрмоқда.

«Бу ҳақда Муборак туман ҳокимлиги, Муборак шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш «Аланга» ширкат ҳўжалиги раҳбарларига бир неча бор қилган муурожаатимиз самара бермади. Энди умидимиз сизлардан. Ёз ўтиб қиш бошланса, яна ташвишда қолмаслигимиз учун, бу ишга алоқадор раҳбарларни хабардор қилиб қўйишингизни илтимос қилардик» деб ёзади кўпчилик номидан муаллиф.

● **Nuqtai nazar**

Sabod

Устоз адибларнинг ёшлиги, адабиёт бўстонига кириб келиши, ижод йўли ўзи бир китоб. Сеvimли адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Уч илди», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довои», «Она лочин видоси» романилари, қатор қисса ва ҳикояларини севиб мутлаа қилмаган ўқувчи топилмас керак. Адабиёт оламида шундай улўғ сиймонинг ёшлиги, ўсмир чоғларида қалбида кечган туйғулар, ўша даврларда яратилган асарларга муносабати қандай бўлгани кимни қизиқтирмайди, дейсиз. Ранг-баранг мавзулари билан сеvimли нашримизга айланган «Нуқуқ» газетасининг шу йил 6 апрел сонидоги Пиримқул Қодировнинг «Устоз Ойбек ва миллий рух» мақоласини ўқиб, кўпдан буён ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб топдим.

Биринчидан, бизни хайратга солган Ойбекнинг «Кутлўғ қон» романи олтиш беш йил илгариги мактаб ўқувчиларининг ҳам қалбида ёрқин из қолдирган. 1940 йилларда Пиримқул

Қодиров (ва албатта у кишининг тенгдошлари ҳам) романдаги воқеаларга ўзгача эҳтирос билан ёндошдилар. Гоҳ Йўлчига қўшилиб изтироб чекишса, гоҳ Гоулнорга қўшилиб йиғлайдилар. Энг муҳими, бу авлод қалбида миллий рух куртаклари бўй қўза бошлайди.

Иккинчидан, XX аср урталарида қамолот ёшига ета бошлаган авлоднинг миллий-адабий анъаналарни давом эттиришлари учун ижодий замин янада мустаҳкамланади.

Учинчидан, улўғ адиб Ойбек ўз издошларининг дадил қадамларини қўриб қанчалик қувонганини мақоладаги суратдан ҳам англаш мумкин.

Нихоят тўртинчидан, Ойбекнинг издошлари ана шу умиди ишончини оқлаб бўлгани авлодга катта адабий ҳазина яратилди.

Муҳими, бу каби мақолалар орқали биз ўз ўтмишимизни янада тереқдор англашимиз мумкин.

Aziza USMONOVA,

S.Rahimov nomidagi tibbiyot kolleji talabasi

«FERMER VA TENDER»

● **«Нуқуқ» 15-сон, 2005-йил**

Мақола олий ҳўжалик суди судлов хайъати томонидан қўриб чиқилди.

Сирдарё туманидаги «Соҳил» ширкат ҳўжалигининг 68-71 контурларидаги 27,2 га ер участкаси ҳақиқатан ҳам тендерга қўйилмаганлиги, туман ҳўкимининг 2003 йил 19 февралдаги қарори эса аслида ўтказилмаган тендер комиссиясининг қарорига асосланган ҳолда қабул қилинганлиги ўз тасдиғини топган.

Шу сабабли Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг «Жумакул» фермер ҳўжалиги ва Сирдарё вилоят прокуратурасининг даъволарини қано-

атлантириш, «Соғишмон» фермер ҳўжалигининг даъвосини рад этиш тўғрисида қабул қилган 2004 йил 29 декабрдаги ҳал қилувчи қарори апелляция ва кассация инстанциялари судлари томонидан асосли равишда ўзгартирилди.

Шунингдек, тендери ташкиллаштириш масалаларида туман ҳўкимлиги томонидан йўл қўйилган камчиликлар юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб, тегишли қоза қўриш учун вилоят ҳўкимлигига юборилган.

Бундан ташқари, Сирдарё вилоят ҳўжалик судининг 2005 йил 11 январдаги ҳал қилув қарори билан вилоят прокуратурасининг туман ҳўкимлиги манфаатини қўзлаб берган даъвоси қаноатлантирилган бўлиб, туман ҳўкимлиги ва «Жумакул» фермер ҳўжалиги ўртасида 2004 йил 20 октябрда тузилган 20 га ер участкасини 30 йил муддатга ижарага бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилинган ва фермер ҳўжалиги тугатилган.

I. ALIMOV,
Sudlov hay'ati raisi

«GAZ, QARZ VA YORUG` KELAJAK»

● **«Нуқуқ» 8-сон, 2005 йил**

Мақола «Тошвилоятгаз» ХТГК «Қибрайтумангаз» филиали ходимлари иштирокида муҳокама қилинди. Унда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Тузель қишлоқ фуқаролар йиғини, Аргин маҳалласи, Эрмон Тузель кўчасида истиқомат қилувчи М.Норбекова, Д.Абдурахмонова ва А.Одиловалар хонадонлари учун фойдаланган табиий газ сарфи ҳисобиде ноаниқликларга йўл қўйган «Қибрайтумангаз» филиали ходимларига нисбатан интизомий жазо қўлланилиб, камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида «Газ сотиш ва хисоблаш хизмати» етакчи муҳандиси Э.Ҳожиёв томонидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

I. RUSTAMBEKOV,
«Qibraytumangaz» filiali direktori

Ушбу мақола юзасидан юқоридоги фактлар келтирилган жавоб мактубини Республика «Узқоммухизмат» агентлигининг аҳали ва корхоналарини газ билан таъминлаш бўйича бош бошқармаси бошлиғи О.Сяядов имзоси билан ҳам қабул қилиб олди.

M. BEGMATOV,
mehnat faxriysi

● **Javob**

TOMORQA BERISHMIKAN?

● **«Нуқуқ» 8-сон, 2005-йил**

Музработ тумани Т.Бердиев номли ширкат ҳўжалигида яшовчи Х.Бутаев аризаси асосида ёзилган юқоридоги сарлавҳали мақола муаллиф иштирокида ўрганилди.

Ҳақиқатан ҳам томорқга муҳтож бўлмаган саккиз нафар фуқаро ширкат ҳўжалигининг 2,01 гектар еридан ноқонуний фойдаланиб келишгани аниқланди.

Фуқаролар томонидан талон-тарож қилинган ерларни ширкат ҳўжалигига қайтариш мақсадида туман ҳўкимлигига ваколатли орган томонидан тақдимнома киритилиб, ижроси назоратга олинди.

J. XOLMURODOV,
Surxondaryo viloyat hokimining birinchi o'rinbosari

«JINCHIROQ VA SANDALGA QAYTIB...»

● **«Нуқуқ» 7-сон, 2005-йил**

Мақолада кўрсатилган «Оқ-ота» қишлоқ аҳолисига газ етказиб бериш меъёрий даражада бўлмаганлиги сабабли, қишлоқнинг 255 та хонадонни 2004 йил декабрдан буён газ тўловидан озод этилган. Электр энергияси етказилишидаги узилшлар бартараф қилинган. «Нарпайгаз» ХТТ корхонасининг истеъмолчиларга газ хисоблагич ўрнатиш бўйича тасдиқланган дастури бўйича хисоблагичларни 2005 йил июнда тўлиқ ўрнатиш режалаштирилган.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг газ таъминотини яхшилаш «Самарқандгаз» ХТТ корхонаси дастурига

киритилиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун 2004 йил декабрда 450 метр газ қувури келтирилган, бироқ ҳозирга қадар бошқа чоралар кўрилмаган.

Бундан ташқари, газ тўловлари тўлиқ ўндирилмаганлиги сабабли, истеъмолчиларнинг ҳўқуқлари бузилган ҳолда, жорий йилда «Узтрансгаз» акционерлик компаниясининг телефонограммаларига асосан туманга табиий газ микдори етказилиши камайтилган. Хусусан, 2005 йилнинг ўтган даврида 7 та телефонограммага асосан ту-

мандаги «Оқтош ГРС»дан берилаётган суткалик газ сарфи 860 мм³ га тушурилиб, газ етказилиши 3 баробарга камайтилган. Бу эса тумандаги кўпгина хонадонларга табиий газ етказилишида узилшларга сабаб бўлган.

Қайд этилганларга қўра, истеъмолчиларга газ етказиб берилишида йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида «Самарқандгаз» ХТТ корхонаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

M. FOZILOV,
Narpay tuman prokurori

YER AJRATILDI

Урганч туман прокуратураси томонидан тумандаги «Юқори-Дўрмон» қишлоғи, «Матназор охун» маҳалласида яшовчи Ж.Шариповнинг Дўрмон ширкат ҳўжалигидан боғ олишда ёрдам беришни сўраб ёзган шикоятни юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, аризалчи Ж.Шарипов Дўрмон ширкат ҳўжалигини тугатиш комиссиясига 1,0 гектар боғ олиш мақсадида ким ошди савдосида қатнашиш учун рўхсат сўраб шу йилнинг 18 январ куни муурожаат қилган. Лекин комиссия раиси томонидан унинг аризаси текшириш кунигача тегишли тартибда ҳал қилинмаган. Аризалчи ким ошди савдоси ўтказилмаган кун тўғрисида ёзма равишда жавоб берилмаган. Ким ошди савдосида қатнашиш қоидалари тушунтирилмаган.

Комиссия раиси Мақсуд Нуржонов ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун унга нисбатан интизомий ҳўқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун туман ҳўкимига юборилди.

Ж.Шариповга Дўрмон ширкат ҳўжалигининг 172-контуридан боғдорчилик йўналиши бўйича аниқдан боғ ташкил қилиш учун 1,0 гектар ер ажратилди.

O. HAYITBOYEV,
Urganch tuman prokurori

● **Minnatdorchilik**

HAQIQAT SINMASLIGI KERAK

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида яшовчи 70 ёшли Мухаммад Бегматовнинг Косон тумани ИИБнинг айрим ходимларининг нотўғри олиб борган хатти-ҳаракатлари оқибатида дўсти Панжи Бобошарипов ноҳақ жабр кўрганлиги, лекин ҳақиқат қарор топаётганлигидан миннатдор эканлигини билдириб ёзган мактубини олди. Унда шундай сўзлар бор:

«Сизларга ёзган шикоятим натижасида ноҳақ айбланиб, қамалган дўстим П.Бобошариповнинг иши бўйича Бош прокуратура томонидан жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди раёсатига келтирилган протести қўриб чиқилди. Унга қўйилган қатор айблар бекор қилиниши тўғрисида қарор чиқарилгани, иш материаллари қўшимча терговга юборилгани учун миннатдорчилик билдираман.

Сиз ва Республика Бош прокуратурасининг ҳақиқат ва адолат ўрнатишда олиб борган ҳаракатидан мамнунман».

M. BEGMATOV,
mehnat faxriysi

ҚОНУН АСОСИДА ҚАЙТИЛДИ

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Лисунова-4, 50-уй, 29-хонадонда яшовчи Ф.Жўраевнинг уй-жой масаласида ёзган аризаласига Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари М.Аҳмедовдан қуйидаги жавоб мактубини олди.

«Мактуб вазирлик мутасаддилари томонидан афроғича ўрганиб чиқилди. Шунга маълум қилмаслик, «Умуҳқарбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддаси, 11-бандига мувофиқ, шунингдек, Қуроли кучларини амалга оширилаётган ислохотлар талабига қўра қисқартириш жараёни бораётганлиги боис собиқ офицер Ф.Жўраевни Қуроли кучлар сафига хизматга қайта чиқаришнинг имкони йўқ.

Тошкент шаҳар судининг 2000 йил 10 майдаги қарорига биноан Мирзо Улўғбек тумани, генерал Петров кўчаси-2, 3-уй, 29-хонадон айна пайта мазкур хонадонда истиқомат қилаётган майор И.Холматовга тегишли эканлиги таъкидланган. Биз судлов органининг қарорини ўзгартириш ваколатига эга эмаслигимиз тўғрисида Ф.Жўраевга турар-жой масаласига оид муаммони ҳал этиш мақсадида юқори турувчи судга муурожаат қилишини тавсия этамиз».

HUQUQIY MADANIYAT SARI

Муяссар ЖАЛОЛОВА — 1977 йилда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институтини муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича тамомлаган. Соҳаси бўйича Урганч шаҳридаги «Феруз» тикувчилик ишлаб чиқариш корхонасида ишлаган. 1989-1998 йилларда мазкур корхонанинг касабга уюшма кўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатган. 1998 йилдан 2003 йилгача Урганч шаҳар ҳокимиятида курилиш, транспорт, алоқа ва коммунал хизмат, кейинчалик саноат, маиший хизмат соҳаси бўлиmlларида ишлаган. Айни вақтда Хоразм вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси вазифасида фаолият юритмоқда.

фани биз, яъни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва таянч гуруҳлари бажаради.

— **Бирлаш-манинг шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатган жамият ва таянч гуруҳлари томонидан қилинаётган ишлар ху-**

қуқий ва истеъмол маданиятини оширишда тарғибот ишлари семинарлар ўтказиш билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу тadbирнинг Хазорасп туманида (жамият раиси А.Матқонов) таъсирчан, очик мулоқот шаклида ўтказилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Tadbир тумандаги замонавий касб-хунар коллежида ҳуқуқшунослик бўйича таълим олаётган талабалар, ҳокимият, солиқ инспекцияси, санитария-эпидемиология маркази, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси масъул ходимлари, жойлардаги таянч гуруҳлари ва фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида қизқаркли тус олди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар кўргазмалари ташкил қилиниб, шу ернинг ўзида таянч гуруҳи раҳбарларига гувоҳнома ва аъзолик билетлари топширилди. Яна шу жойда айрим савдо шаҳобчаларида савдодан олиб қўйилган ерқилик муддати ўтиб кетган озиқ-овқат махсулотлари кўргаз-


— **Муяссар опа, айтингчи, сиз раҳбарлик қилаётган ҳудудий бирлашма томонидан истеъмолчилар ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши бўйича ўтказилаётган мониторинг кузатувлар қандай натижа беряпти?**

— «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги

сусида ҳам тўхталсангиз...

— Хозирча шаҳар, туман жамиятлари томонидан турли соҳаларда қонун талабларининг бажарилиши ва қонун тарғиботи юзасидан мониторинглар ўтказилмоқда. Жумладан вилоят товар бозорларида жами 88 та мониторинг ўтказилиб, шундан 37 таси вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-

Ўз ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қилайлик!



ХОРАЗМ ВИЛОЯТ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛА-
РИ ҲУДУДИЙ
БИРЛАШМАСИ
РАИСИ МУЯССАР
ЖАЛОЛОВА БИЛАН
СУХБАТ

қонуннинг таъсир кучини янада ошириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган асосий вазифалар — қонун бузилишларининг олдини олишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг истеъмол маданиятини ривожлантиришда тарғибот ишлари шаҳар ва туман жамиятлари томонидан амалга оширилмоқда.

Қарорда ички бозорга таъсир қиладиган аниқ йўналишлар белгиланган. Жамиятларга ҳар соҳада, яъни савдо, коммунал ва маиший хизмат, тиббиёт, транспортда кўрсатилаётган хизматларнинг сифат мониторингларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Хозиргача ўтказилган мониторинг кузатувлари аниқ натижалар бермапти. Савдога сифати паст, ерқилик муддати ўтган ёки қўрсатилмаган истеъмол товарлари чиқариш ҳоллари учраб турибди. Бирлашмаимиз томонидан ташкил қилинган Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти ва таянч гуруҳларининг асл мақсади ҳам фақат сифатли махсулот ишлаб чиқарилиши тарафдори бўлиб, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўзининг истеъмолчи эканини ёдда тутиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, мониторинг текширув эмас, балки махсулот, хизмат сифати ва зарарсизлиги устидан жамоат назоратидир. Бу ишни ҳар бир истеъмолчи амалга ошириши мумкин. Лекин истеъмолчиларимизнинг ҳуқуқий билими талаб даражасида эмаслиги сабабли унинг номидан бу вази-

лантириш ҳудудий бошқармаси билан, 7 таси «Ўздавстандарт» билан, 12 таси Давлат санитария эпидемиология назорат маркази, 10 таси ветеринария хизмати бошқармаси ва 22 таси бошқа ваколатли маҳкамалар билан ўтказилиб, қонунбузилишларнинг олди олинди. 26 та қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан жазо чоралари қўлланилди.

Истеъмолчилардан 304 та, шундан 115 таси савдо хизмати, 59 таси коммунал хизмат, 120 таси бошқа соҳалар бўйича ёзма ва оғзаки шикоятлар тушган эди. Улар ўз вақтида бирлашма ходимлари томонидан ўрганилиб, истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди.

Жойларда назорат органлари ходимлари, таянч гуруҳлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари билан биргаликда ўқув семинарлари ўтказилиб, истеъмолчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар бериб борилмоқда.

— **Муяссар опа, фуқаролар истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқини тўлиқ англаб етган дея ишонч билан айтма оласизми?**

— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали фуқароларимиз истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда сусткашлик, лоқайдлик ва ҳатто бепарқликка йўл қўймоқда. Жамиятларимиз томонидан олиб борилаётган тарғибот ва қонунга зид ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги ишлар натижасида кўнгилли аъзоларимиз сони 20.000 га етди. Таянч гуруҳлари сони эса 614 тани ташкил қилади. Бунинг ўзи жамоатчиликнинг жамиятларимиз ва таянч гуруҳларимизнинг фаолиятига қизиқиши ортиб бораётганлигидан дарак беради.

Хазорасп, Хива туманларида ва Урганч шаҳрида истеъмолчиларнинг

мага қўйилди. Чунки «Хоразмгазтаъминот» шўъба корхонаси ходимлари билан газ тўловлари бўйича мониторинг ўтказилди. Мониторингда аҳолидан газ тўловлари учун ундирилган маблағлар ўз вақтида абонент коди кўрсатилмаганлиги баҳонаси билан компютерга кириб қилинмаганлиги натижасида, истеъмолчиларнинг газ тўловлари қарзи ўзгармасдан қолганлик ҳолатлари кузатилган. Шу бўйича «Хоразмгазтаъминот» раҳбарига истеъмолчилар билан тузилган ўзаро шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, аҳоли томонидан газ тўловлари учун келиб тушган маблағларни абонентларнинг ҳисоб дафтаралари ва компютер ҳисобига ўз вақтида кириб қилиниши ташкил қилиш ва ҳар 10 кунда тегишли корхоналар билан почта ва банк хизматлари иштирокида таққослаш ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

— **Қайси туманларда бу борадаги ишлар қонқариши эмас деб ҳисоблайсиз?**

— Гурлан, Қўшқўпир, Янгибозор, Янгиариқ, Урганч туманларида фаолият юритаётган Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан тегишли тadbирлар суств олиб борилмоқда.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни ўрганиш ҳаётий заруратдир. Чунки, биз ҳаммаимиз шу жамиятда яшаётган истеъмолчиларимиз. Турмушда алданиб қолмаслигимиз учун ўз ҳуқуқларимизни ўрганишимиз, ҳимоя қилишда қатъиятлик кўрсатишимиз зарур.

«Нуқуқ» муҳбири
Эрпўлат БАХТ суҳбатлашди



SO'RAGAN EKANSIZ



Таълим кредити

Сизларга бермоқчи бўлган саволим, таълим кредитлари ҳақида. Айтингчи, таълим кредитлари қилмалар берилди. Бунда қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

А. БОБОЁРОВ,
Шўрчи тумани

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга, уларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ масалаларга катта эътибор қаратилди. 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Юқорида номлари зикр этилган қонун ва дастурни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенгроқ имконият яратиш, олий маълумот олган фуқаролар (талабаларни) ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида, 2001 йил 26 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

«Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Низомга асосан, таълим кредитлари тижорат банклари томонидан кредитни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида олий ўқув юрти муассасаларининг кундузги бўлимига кирган Республика фуқароларига, талабанинг ўзига, ота-онаси ва васийларига берилиши мумкин.

Таълим кредити олий ўқув юртида ўқиш даврини ҳисобга олган ҳолда бакалавриатга қабул қилинган талабаларга ўн йилгача муддатга, магистратурага қабул қилинганда беш йилгача муддатга берилди. Агар талаба ўқиш даври давомида муддатли ҳарбий хизматга кетса, хизматни ўтаган даври юқорида берилган муддатга қирмайди.

Низомга асосан таълим кредити:

А) чин етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан 1 ва 2 гуруҳ ногиронларига нол фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);

Б) талабаларнинг қолган тоифаларига — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзарувчан фоиз ставкалари белгиланади.

Шунингдек, кам таъминланган ошладан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағидан тўланиши белгилаб қўйилган.

Таълим кредити олиш учун қарз олувчи тижорат банкига муайян ҳужжатлар тақдим этиши лозим бўлади. Бу ҳужжатлар қуйидагилар:

1. Таълим кредити олиш ҳақидаги ариза;
2. Талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома. Шартномада ўқиш муддати ва бир ўқув йили учун тўлов миқдори кўрсатилиши керак. Агар тўлов миқдори ўзгарса, шартномага тегишли ўзгаришлар киритилади;

3. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан берилган қарз олувчининг яшаш жойи ҳақидаги маълумот;

4. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш ҳақида ҳужжат;

5. Имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар ҳамда болаликдан 1 ва 2-гуруҳ ногирони бўлганлар, кам таъминланган ошладан чиққанлар тегишли ҳужжатлар тақдим этиди.

Қамолддин ЖАВЛИЕВ,
Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси

IMTIYOZ BERILADIMI?

Бир неча йил олдин республика президенти томонидан ўқитувчи ва шифокорларга газ, электр энергияси тўлови учун имтиёз белгиланган эди. Ушбу имтиёз фақат олий маълумотли ўқитувчи ва шифокорлар учун белгилангани ёки у ўрта махсус маълумотли мутахассисларга ҳам таъдлуқлими?

Менинг турмуш ўртоғим ўрта махсус маълумотга эга. У компенсация олишга ҳақлими?

2000 йили турмуш ўртоғимнинг етти ойлик маоши бош ҳисобчи томонидан ўзлаштириб юборилганлиги босиб олишнинг иложи бўлмаяпти. Маошини олиш учун нима қилса бўлади?

G. HAYITBOYEVA, Arnasoy tumani, Abay ko'chasi

Ҳақиқатан ҳам коммунал хизматлар учун ўқитувчи ва шифокорлар имтиёздан фойдаланар эди. Бирок, республика президентининг 2003 йил 27 мартдаги фармонида мувофиқ, ушбу имтиёз бекор қилинган. Мазкур фармонга кўра, 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жойни коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловлари жорий этилган. Қолаверса, фармонда қайд этилган шахслар тоифасига тўғри келиш учун камида 10 йиллик педагогик стаж мавжуд бўлиши, шунингдек ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари (шу соҳада камида 10 йил иш стажига эга бўлган мазкур тоифалардаги шахсларга мансуб пенсионерлар) шу тоифага кирди.

Ўзлаштирилган иш ҳақини ундириш юзасидан судга мурожаат этишингиз мумкин.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: huquq@mail.ru
«НУҚУҚ»
Маслаҳатлари

DA'VO ASOSLI BO'LSA...

Мен 1996 йили Тошкент алоқа коллежининг бухгалтерия факултети, тамомлаб, Китоб туман почта алоқа тармоғига ишга қабул қилидим. Отам Х.Ҳасанова ҳам 1975 йилдан бунён шу ташкилотда ишлаб келади. Бизга ҳавас қилиб укам ҳам ўқини тамомлагач, шу ташкилотга почта алмашинувчи вазифасига ишга кирди. Учаламиз бир-биримиз билан пул масаласи бўйича боғлиқ эмасмиз. Чунки, отам иқтисодчи, мен обуна йўриқчиси, укам почта алмашинувчи. Бироқ юқори турмушчи ташкилот раҳбари С.Ҳафизов бизни

тарқатиш керак деб айтмоқда. Бунга тўртинчи бор аноним хат тушганлигини сабаб қилиб кўрсатаяпти.

Мен икки нафар фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим ҳеч қаерда ишламайди. Отам ва укамдан ташқари онасида бошқа ҳеч ким ишламайди. Чунки дадам 20 йилдан бунён касалманд. Шуларни эътиборга олиб, қуйидаги саволларимга жавоб беришингизни сўрайман:

- 1. Аноним хатлар қачон, қай вазиятда эътиборга олинади?
2. Бир корхонада қариндошлардан неча

киши ва қайси соҳаларда ишлаши мумкин?

3. 30 йилдан бунён ишлаб келаятган ишчига қисқартириш келса, қандай йўл тутиш керак?

4. Менинг иш ўрнимга даъво қилишганда, мен ҳам ўз навбатида аввалги (ўтказилган) ишимга даъво қилсам бўладими?

5. Декретдаги аёла қанон ишга чиқини мумкин? У чиққан тақдирда ўз иш жойига қачон даъво қилиши мумкин?

Gavhar XALILOVA, Kitob tumani

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги қонуннинг 2-моддасида муайян масалалар юзасидан қилинаётган мурожаатлар юзасидан аниқ талаблар белгиланган. Жумладан, мурожаатларда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва қўриб чиқилмайди.

Меҳнат кодексининг 79-моддасига мувофиқ, ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-

укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилиши тақиқланади. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорининг 3-иловасида берилган рўйхатнинг 4-бандида «Алоқадан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари» учун мазкур қоида истисно этилиши қайд этилган.

Корхонада ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ходимлар сонини, ишлар ҳажминини қисқартиришга олиб келганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда, малакаси ва меҳнат унмдорлиги юқори бўлган ходимларга ишда қолдириш

имтиёзи берилади. Бирок, олангизнинг малакаси ва меҳнат унмдорлиги қолган ходимлар билан бир хил деб топиладиган тақдирда ҳам, ишлар мазкур ташкилотдаги иш стажидан келиб чиқиб, афзаллик берилиши лозим.

Корхонада ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ходимлар сонини, ишлар ҳажминини қисқартиришга олиб келадиган ҳолат тўғрисида иш берувчи бу ҳақда камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, тилхат олиши шарт (огоҳлантириш мuddати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув асосида пуллик компенсация билан алмаштирилиши ҳам мумкин). Бунда иш берувчи ходимнинг розилигини олмай туриб меҳнат шартларини ўзгартаришга, ушбу ширини эъзида мавжуд бўлган бошқа ишга ўтказишга ҳақли бўлади. Агар ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этса, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, ўртача ойлик иш

ҳақидан кам бўлиган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Ана шу асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн кун ичيدا маҳаллий меҳнат органига мурожаат этиб, иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотнома асосида учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақини олиш мумкин.

Иш ўрнига даъво қилиш масаласи бўйича шунги айтиш мумкинки, ишлаб турган ходим иш ўрнини фақат шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирдагина бўшатиб бериши мумкин.

Туғиш таътили тугагач, болангиз икки ёки уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш таътилида бўлсангиз, ушбу таътилниг мuddати тугамаганга қарамай, оилавий шароитингиздан келиб чиқиб, истаган вақтда ишга қайтишга ҳақлисиз.

NAFAQANI OSHIRSA BO' LADIMI?

Фарзандим ногирон бўлиб туғилган. Ҳозир 16 ёшда. Лекин жисмоний ривожланмаганлиги сабабли буй-басми жуда кичик. 1992 йилдан бунён 2-гурӯх ногирони эди. 2004 йили эса уни 1-гурӯх ногиронлигига ўтказишди. У ногиронлиги учун 12.920 сўм нафақа олади. Турмуш ўртоғим оддий ишчи. Оилада тўрт нафар фарзандимиз бор. Биргина турмуш ўртоғимнинг топгани оила тебратилишга етмаяпти. Мен эса эртаю кеч ногирон фарзандимга қараганлигим бос ҳеч қаерда ишламайман. Туман ижтимоий таъминот бўлимига учрашганимда, бошқа ёрдам беролмасликларини айтишди. Қизимнинг нафақасини ошириш ёки менга қизимга қараб ўтирганим учун имтиёз бериш мумкинми?

Muborak JABBIYEVA, Beruniy tumani

Республика президентининг 2005 йил 13 апрелдаги фармонида кўра, 2005 йилнинг 1 майидан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори оширилиб, болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа миқдори ойига 15.505 сўм қилиб белгиланди.

Сизга айни пайтда ҳеч қандай имтиёз белгиланмапти. Оилангизнинг ижтимоий аҳволи учун кўмаклашиш мақсадида кам даромадли оила сифатида моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилишингиз мумкин.

UY TAQDIRI NIMA BO' LADI?

1990 йили турмушга чиқиб, икки йил ўтгач фарзанд кўрдик. Бирок, 1996 йили суд орқали ажрашдик.

Ҳозирги кунда қизим билан яшаб турган уйимиз собиқ турмуш ўртоғимнинг номида. Аслида бу уйни 1993-1994 йиллари эрим билан биргаликда хусусий-

лаштирганмиз. Бу уйда яшайётганимга 15 йил бўлди. Қонун бўйича мазкур уйни ўзимнинг ёки қизимнинг номига расмийлаштиришим мумкинми?

Nuriya USMONOVA, Jondor tumani N.Rajabov ko'chasi

Мумкин. Лекин бунинг учун аввал ўзаро никоҳ давомида ортирилган мазкур турар жойини бўлиш ва унга тўла эгаллик ҳуқуқини қўлга киритиш лозим. Бўлиш асосидаги шартнома — эр-хотиннинг ўзаро келишуви асосида ва суд орқали. Эр-хотин-

нинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги келишув нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин. Низо тузилган ҳолда умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек эр-хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибиде амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр-хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)-га унга қарашли улушдан ошиб қийматга эга бўлган мол-мулк берилганда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белги-ланиши мумкин.

SUG'URTA MAJBURIYMI?

Туманимизда сугурта агентлиги ходимлари ўз сугурталарига аъзо қилиш учун мажбуран бадал йиғиб олишади. Сугурталар мажбурийми ёки ихтиёрий?

R.YO'LDOSEVA, To'rtko'l tumani

Авалло сугурта агентлиги сугурта бадалини нима учун ва қайси асосга кўра йиғиб олаётганига аниқлик киритиш лозим. Чунки сугурта ташкилоти ва фуқаро ўртасида муайян масала юзасидан (масалан, шахсининг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ва ҳ.к.) муайян мuddатга тузилган шартнома ёки ўзга шу каби ҳужжат асосида сугурта мажбуриятининг мавжудлигига эътибор бериш лозим. Фуқаролик кодексининг 914-моддасида сугурта фуқаро ёки юридик шахс (сугурта қидирувчи) сугурта ташкилоти (сугурталовчи) билан тузадиган мулкчи ёки шахсий сугурта шартномалари асосида амалга оширилиши кўзда тутилган.

YAKSHIDIR ASHCHIQ NAHQAT...

Вилоят электр тармоқлари очик турдаги акциядорлик жамияти ва унинг тизимида тўлов интизомига ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблари мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижросининг таъминлашида қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган. Қарздорликнинг катта қисми қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар ҳисобига тўғри келади. Улар 6 млрд. 32 млн. сўм қарздор бўлишган. Қарздорликнинг 513,1 млн. сўми деҳқон фермер ҳўжаликларига, 784,6 млн. сўми эса вилоятдаги «Хўжалик» ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш бошқармаси зиммасига тўғри келади.

Вилоятда 9864 та улгуржи истеъмолчилар бўлиб, улар билан энергия етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш борасида шартномалар тузилган. Шулардан, 964 та қарздор электр тармоғидан узиб қўйилган.

Шунингдек, айрим электр тармоқлари раҳбарлари фаолиятида сохтакорликка йўл қўйилганлиги аниқланди. Улар ҳўжаликларнинг қарздорлик сўммасини ошириб кўрсатиб, ўз айбларини яширмакчи бўлишган. Хусусан, Шўрчи туманидаги У. Дониёров номи ширкат ҳўжалиги Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан тугатилиб, фермер ҳўжаликлари уюшмасига айлантирилган. Туман электр тармоқлари корхонаси томонидан ширкат ҳўжалиги билан расмийлаштирилган далолатномага асосан ҳўжалик 2004 йил 2 млн. сўм қарздор бўлган. Лекин корхона раҳбарлари ҳўжалик фойдаланмаган 97 млн. 800 минг сўмлик электр энергиясидан ҳўжаликни қарздор деб, қалбаки солиштирма далолатнома тузишган.

Мазкур ҳолат бўйича туман электр тармоқлари корхонаси бошлиги Т. Тўраев ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Денов туманидаги «Сурхон-озикқоват» ҳиссадорлик жамияти электр энергияси учун олдидан



Хизмат ёқади-ю, тўлови чақадими?

30 фоиз тўловни амалга оширган бўлса-да, туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари асосис чеклашлар натижасида жамиятга 50 миллион сўм миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Қумқўрғон туманидаги Н. Мирзаев номи ширкат ҳўжалиги билан вилоят электр тармоқлари очик турдаги акциядорлик жамияти ўртасида электр таъминоти тўғрисида шартнома тузилган бўлса-да, ширкат ҳўжалиги томонидан фойдаланилган электр энергияси ҳақи тўланмаган. Вилоят прокуратураси томонидан вилоят электр тармоқлари акциядорлик жамияти манфаатини кўзлаб, ширкат ҳўжалиги ҳисобидан 501 млн. 592 минг сўм қарзни ундириш тўғрисида ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди ва ариза тўлик қаноатлантирилди.

Энг ачинарлиси, «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида

ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида»-ги Президент Фармонида зид равишда улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси ҳисоб-китоб қилинмай бериб юборилганлиги натижасида, 2005 йил 1 апрел ҳолатига 15 млрд. 919 млн. 200 минг сўмлик дебиторлик қарз пайдо бўлган ва бу қарздорлик бирор-бир ташкилот ёки аҳолига ҳисобланмаган.

Ушбу қарздорликнинг миқдори Денов туманида 3 млрд. 735 млн., Жарқўрғон туманида 1 млрд. 720 млн., Узун туманида 1 млрд. 702 млн., Шўрчи туманида 1 млрд. 502 млн., Термиз шаҳрида 1 млрд. 398 млн., Шеробод туманида 1 млрд. 277 млн., Сарийосиё туманида 1 млрд. 123 млн. ва Сурхондарё вилоят электр тармоғи очик турдаги корхонасида 1 млрд. 143 млн.

сўми ташкил этган.

Мазкур ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан электр тармоқлари очик турдаги акциядорлик жамияти собиқ раҳбарларига нисбатан жиноят иши кўзга тилинган.

«Сурхондарёгаз» худудий газ таъминоти корхонаси мансабдорлари томонидан ҳам кўпол қонунбузилишларга йўл қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги қарори асосида вилоят ҳокимининг қарори чиқарилиб, 2005 йилга қадар вилоятдаги 187 та қишлоқ ва бошқа аҳоли яшаш жойларини табиий газ билан таъминлаш чораси белгиланган эди. Утган давр мобайнида мазкур қарорга мувофиқ 87 та қишлоқ марказлашган табиий газ билан таъминланиши кўзда тутилгани ҳолда, 1 апрел ҳолатига 23 та аҳоли пункти газлаштирилиб, бу борадаги режа 20 фо-

изга бажарилган, холос. Айни пайтда вилоятдаги жами 64 та қишлоқ табиий газ билан таъминланмаган. Корхонада қарзларни ундириш бўйича ҳам етарли иш олиб борилмаган. Дебитор қарздорлик шу йилнинг 1 январига 1 млрд. 946 млн. 354 минг сўми ташкил этади.

«Сурхондарёгаз» худудий газ таъминот корхонасининг кўпгина туман бўлинуларида газдан фойдаланиш бўйича дебиторлик қарзларни ундириш бўйича етарли даражада иш олиб борилмаган. Жумладан, 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан шу йилнинг 1 апрел ҳолатига Сарийосиё туманида дебиторлик қарзлари 22 млн. 160 минг, Термиз туманида 21 млн. 526 минг, Шўрчи туманида 22 млн. 859 минг, Термиз шаҳрида 31 млн. 8 минг сўмга ўсган.

Шеробод туманидаги 141 нафар фуқародан ундирилиши лозим бўлган 7 млн. 289 минг сўмлик газ тўловини ундириш чоралари кўрилмаган.

Термиз шаҳрида яшовчи О. Бўронов уйда устхона очиб, газдан ноқонуний фойдаланган ва шаҳар газ таъминоти филиалига 200 минг сўм моддий зарар етказган.

Юқоридаги ҳолатлар жойлардаги газ таъминоти корхонаси раҳбарларининг назоратни усайтириб юборилганлигидан далолат беради.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, электр энергияси, газ, телефон хизмати, ичимлик суви ва бошқа коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда тўловларнинг вақтида тўланишини таъминлаш муҳим масала бўлганлиги учун назорат органлари билан ҳамкорликда бу борадаги ишларни янада кучайтиришга бундан бўён ҳам жиддий эътибор қаратилмаверади.

Ф. БОЙЗОКОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратурининг биринчи ўринбосари

DOLZARB MAVZU

Коррупция уюшган жиноятчиликнинг шундай бир кўринишики, бунда давлатнинг мансабдорлари шахсий манфаати йўлида ҳар қандай ноқонуний фаолиятни амалга оширади, натижада жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маърифий соҳалари издан чиқади.

Умумбашарий муаммолардан бири

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга маддадор бўлиш ёки бевосита ёрдам бериш учун давлат хизмати имкониятларидан фойдаланишга қаратилган фаолият сифатида жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдид солувчи жиноят тури эканлиги эътироф этилади. Бундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, коррупция давлат ва жамиятни жар ёқасига келтириб қўювчи иллатдир.

Коррупция илдиз отган давлатларда ривожланиш даражаси шунчалик паст бўладики, давлат берк кўчага кириб қолади, қонунга бўйсунувчи аҳоли сони пасайиб кетади, давлатга ишонсизлик аҳоли ўртасида кенг тарқалади. Республикаимиз жиноят қонунчилигида коррупция мустақил жиноят бўлмай, балки бир қатор жиноятларни қамраб олувчи умумлашган тушунчадир.

Содда қилиб айтганда, коррупция шахсий фойда қўриш ниятида мансабни суиестемол қилишдир. Бу асосан маҳаллий анъаналарга боғлиқ. Масалан, баъзи давлатларда мансабдорларга кичик совға-салом олиб бериш айбли иш ҳисобланса, бошқа давлатларда бу жамият ишончини поймол этиш билан тенг баҳоланади.

Шахсий манфаатини ифода этиб, бюрократик аппарат вакиллари амалдаги институт ва жараёнларга ўзининг боийши йўлида амал қиладиган манба сифатида қаради. Шунинг учун улар жамият манфаатлари би-

лан ҳисоблашмайди. Бу ўринда давлат бюрократияси ва коррупциянинг алоқадорлиги мустаҳкамланади.

Коррупция тўғрисидаги фуқаровий-ҳуқуқий конвенция Европа кенгаши доирасида фуқаровий-ҳуқуқий, фуқаровий-процессуал характердаги умумий халқаро қоидаларни ўрнаттишга бўлган илк уриниш ҳисобланади.

Конвенция преамбула ва уч бўлимдан иборат. У қуйидаги асосий аспектларни қамраб олади:

- коррупция туфайли етказилган зарар учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик; шунингдек, давлат хизматчиларининг ўз бурчини ўтаётган вақтда кўрсатган зарари учун давлатнинг жавобгарлиги;
- коррупция туфайли етказилган зарар ўрнини тўлдириш;
- коррупция туфайли етказилган зарар ўрнини тўлдириш талаби бўйича даъво муддати;
- коррупцияга алоқадор келишув ва шартномаларнинг қонуний кучга эга эмаслиги;
- молиявий ҳужжатлар ва аудитнинг аниқлиги ва пухта ишланганлиги;
- исбот йиғишдаги самарали чоралар;
- коррупцияга оид ишларни судда кўришда томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш учун зарурий суд фармойишларини чиқариш;
- коррупция масалалари бўйича фуқаро-

вий суд ишларини юритишга алоқадор ҳамкорлик ҳужжатларини тақдим этиш, юрисдикцияни чеклаб қўйиш, хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш, суд ҳаракатларини тан олиш ва ундириш.

Конвенцияни имзолаган ҳар қандай давлат автоматик равишда коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (ГРЕКО) аъзоси бўлади. Конвенция имзолаш учун 1999 йил 4 ноябрда эълон қилинган. Унинг тарафдорлари коррупцияга қарши кураш тамойиллари, бошқа келишув ва ҳужуқий ҳужжатлар асосида ушбу конвенция ижроси устидан назорат олиб боради. Европа кенгаши давлатлари, шунингдек, унинг ишлаб чиқилишида иштирок этган давлатлар конвенцияга аъзо бўлиши мумкин. 2000 йил 30 ноябрда уни Бельгия, Германия, Италия, Франция, Швеция, Украина, Туркия каби 26 та давлат имзолаган.

ЕХҲТ конвенцияси сўнги йилларда қабул қилинган коррупцияга қарши кураш тўғрисида учинчи кўп томонлама келишув бўлди. Шунингдек, айни пайтда коррупцияга қарши Америкаро конвенция ҳам мавжуд. АҚШ бундан ташқари 1999 йил 15 февралдан кучга кирган, 1997 йил 17 декабрда Парижда имзолаган халқаро битимларни тузишда хорижий мансабдорларни пора бериб сотиб олишга қарши Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти конвенциясида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда энг сердаромад соҳаларда уюшган жиноятчилик ривожланган. Коррупцияга алоқадор тadbиркорларнинг молиявий кудрати ошиши билан уларнинг давлат мансабдорларини сотиб олиш ҳолатлари ҳам кўпайиб бораёпти. Америка мутахассисларининг фикрича, давлат мансабдорларини сотиб олишга тadbиркорлар ўз даромадининг 30 дан 50 фоизгача бўлган қисмини сарфлайдилар.

Коррупциянинг қисқа, лекин кенг маънони қамраб олувчи изоҳи БМТнинг 9-конгресси томонидан илгари сурилган: «Коррупция шахсий мақсадларда фойда олиш учун мансабни суиестемол қилиш»-дир.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 майда қабул қилинган «Коррупция, рзкет ва терроризмга қарши курашни янада ривожлантириш тўғрисида»-ги қарори бу борадаги ишларни янада самаралироқ олиб бориш имконини беради. Жамиятда демократик институтлар, ижтимоий удулмас, иқтисодиёт бир текисда ривожлansa, аҳоли ижтимоий ҳўжатдан яхши муҳофаза қилинса, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муваффақиятли кечеди.

Отабек ФАЙЗИЕВ,
ЖИДУ халқаро муносабатлар факултети 3-курс талабаси

XXI АСР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ

Мақтаб шундай даргоҳки, унда эртанги кун эгалари камол толади. Яъниким, мақтаб таълими нафақат муайян шахс, балки бутун бошли жамият эртасининг тарҳини чизади. Биз интилайтган фукерлик жамияти шахслар – комил инсонлар жамиятидир. Шахсини камол топтириш эса энг аввало мақтаб зиммасидаги вазифа.

Шахс учун, айниқса зибли шахси учун мақтаб таълими пойдевор кабидир. Пойдевор мустаҳкам бўлмас экан, университетлар, академиялар таълими ҳам самарасиздир.

беш йўналиш куйидагилардан иборат: **мақтаб бионалирини реконструкция қилиш** (за-

ҳорати ва тарбиявий ишлар учун белгиланган устама ҳақини қўшган ҳолда 83.715 сўмини ташкил этади. Юқори синф ўқитувчиларининг ўртача ойлик ставкаси эса 46.816 сўмдан касб маҳорати ва тарбиявий ишлар учун белгиланган устама ҳақларни қўшган ҳолда 77.383 сўм бўлди.

Жорий йилда халқ таълими ходимларининг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендия ва 2 ёшгача боласи бор оналарга тўланадиган ойлик нафақалар)га

йилларда дастурга киритилган 8476 та мақтабни 592.300 комплект парта, 65.000 дона доска, 70.600 дона ўқитувчилар столи, 90.800 дона ўқитувчилар стули, 248.000 дона китоб жавони, 159.400 дона кийим жавони, 25.200 дона бошқа мақтаб мебеллари, шунингдек 7804 та физика, 6095 та химия ва биология, 1299 та биология ва 1299 химия хоналари лабораторияларини, 8633 комплект компьютер синфлари, 6435 та лингафон хонаси, 4560 та тасвирий санъат ва чизмачилик хоналари,

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ УСМОНАЛИ МУСАЕВ БИЛАН СУХБАТ

УМУММИЛЛИЙ

— Усмонали ака, ўтган 2004 йилда халқ таълими тизими учун ажратилган маблағ давлат бюджетининг 20,5 фоизини ташкил этгани ҳақида маълум қилинган эди. Жорий йилда тизим учун бюджетдан неча фоиз ажратилиши ва бу маблағ асосан қайси йўналишлар учун сарфлангани кўзда тутилган?

— Ўзбекистон саводхонлик кўрсаткичи юқори ўринларда турувчи мамлакатлар сирасига кириди. Аҳолисининг 45 фоизидан ортгини 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этгани ҳолда республикамизда саводхонлик кўрсаткичи 99,34 фоизни ташкил этади.

Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилиб амалга киритилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»-ги қонун мамлакатимизда таълимни ривожлантириш стратегиясини белгиллаб берган. Республика президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»-ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури амалга ошириш тўғрисида»-ги қарори қабул қилиниб, мақтаб таълимини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгиллаб берилди.

Муаммоларни ҳал этиш, мақтабларни, айниқса қишлоқлардаги таълим муассасаларини замонавий талаблар асосида барпо этиш, уларда барча шарт-шароитларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур

рурият бўлганда ўрнига янгисини қуриш), капитал, жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш; мақтабларни ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш; таълим тизимида қўлланоетган ўқув стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш; умумий таълим мақтаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мақтабларни малякали педагог кадрлар билан таъминлаш; мақтабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

Ўтган йили мамлакатимиз халқ таълими тизимида улкан ишлар амалга оширилди. Тизим учун ажратилган маблағ давлат бюджетининг 20,5 фоизини ташкил этади.

Жорий йилда эса тизим учун ажратилган маблағ давлат бюджетининг 25,2 фоизига тенг. Бу 908.874.000 сўмини ташкил этиб, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги қарорига асосан ташкил этилган Мақтаб таълими жамғармасининг 146.007.000 сўм маблағи куйидаги тартибда тақсимланди:

— 104.097.000 сўм янги қурилиш ва мақтабларни тиклашга;

— 41.910.000 сўм мақтабларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.



— Худоев Эгамбердиев, сиз Нишон туманидаги собиқ «Самарқанд» хўжалиги худудидидаги фермерларнинг оёққа туриши учун масъулсиз, — деди вилоят прокурори бўлим прокурорига, — ўша жойда Қодир бахши номидаги мақтаб бор. Аҳоли билан танишингизми?

— Танишдим.

— Муаммоларни ҳал қилиш учун қандай чораларни кўрддингиз?

— ...

— Сабаби? Сабаби бизнинг фарзандларимиз у ерда ўқишмайди, улар кулай, барча шароити бор шаҳар мақтабларида таълим олишди. Қуриб қолган бехосият дарактлар ҳали ҳам турибдими?

— Ходим жўдли жавоб беролмади. Шу гап баҳона бўлди-ю, биз ўша жойдаги вазият билан танишдик. Ариқ ёқасидаги қуриган дарактлар қорайиб, қаққайиб турибди. Ҳаёт тўхтаб қолгандек. Айрим галлазорларни ўт босиб кетган.

— Аммо бир томонда ҳаёт жонланган эди.

— Мана бу қаровсиз шийлонини фермерга олиб бердик, — деди Худоев ака шифтлари кўчиб кетган бинони кўрсатиб, — Мана бу томонда қуриган дарактларни кесаяптимиз. Мақтабга берамиз, қишда асқотади.

— Ғузларга ишлов берилаяпти. Ўт босган далааларга одам оралаб қолибди.

— Мақтабга бордик, кўримишгизгина бино. Ховлидаги ўтлар эндигина олинганлиги биллиниб турибди. Кераксиз, беўхос «бино»лар бузилиб, бошқаси қуриляпти. Болалар ўйингоҳи қошидаги электр подстанцияси кўчирилмоқда.

— Ўқитувчиларни суҳбатга тортаман.

— Тўғри, мақтабнингиз мослаштирилган бинода экан. Янги мақтаб биноси қуриш зарур. Аммо мақтаб ҳовлисини хас-ҳашакдан тозаллаб, гуллар экиш учун маблағ талаб қилинмайди-ку.

— Ўқитувчиларнинг бундай ҳолга кўникиб қолганликларини тан олишдан бошқа иложалари қолмади.

— Мақтаб ҳовлисидаги бир янголқни суғириб олдим-у, ўзини мақтаб кутубхона мудираси деб таништирган ғўзал ва маъсума қизга кўрсатдим.

— Мана янголқ ва сиз. Ярашадими?

— ...

— Қизгина ҳижолат чекди. Бир четда мулазм тортиб ўтирган бошланғич синф ўқитувчилари билан тоза ва чиройли жойда таълим беришнинг самараси, «Таълим тўғрисида»-ги қонун, турмуш шароити, келажак тўғрисида суҳбат қураимиз.

— Синфхоналари нижоронун, жиҳозлар эскирган. Кутубхона фариб. Китоблар жуда оз. Аммо газеталар чиройли тахланган. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Нуқуқ», «Адолат кучи» ва ҳоказо. Яқини.

Республика президентининг 2005 йил 13 апрелдаги фармонида асосан жорий йилнинг 1 майдан бошлаб халқ таълими тизимидаги ходимларнинг ойлик иш ҳақи оширилиши муносабати билан давлат бюджетни ҳисобидан қўшимча 92.500.000 сўм маблағ ажратилди. Мазкур фармонга асосан тизимдаги ходимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 35 фоизга оширилди ва бошланғич синф ўқитувчиларининг ўртача ойлик ставкаси 51.284 сўмдан касб ма-

бюджет харажатларидан 607.332.000 сўм ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги қарорига асосан 1-синф ўқувчиларига ўқув қуроллари ва кам таъминланган оила фарзандларига қиши кийим-кечаклар харид қилиш учун давлат бюджетидан 15,9 млрд. сўм сарфланди.

— Яқинда пойтахтимиздаги «Ўзэкспо-марказ»да бўлиб ўтган умумтаълим мақтаблари учун мўлжалланган ўқув жиҳозлари ва спорт анжомлари қўрамада ташриф буюрган президент Ислам Каримов ишлаб чиқарувчилар билан бирга буюртмачиларга ҳам юқори талаблар қўйган эди. Айни пайтда бу борда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури амалга ошириш тўғрисида»-ги қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мақтабларини мебел, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, спорт анжомлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»-ги қарорни ижро этиш мақсадида Халқ таълими ҳамда Иқтисодиёт вазирликлари ҳамкорлигида 2005 йилда умумтаълим мақтабларини жиҳозлаш учун мебел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан таъминлаш тўғрисида давлат буюртмаси ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан 2005-2009

4377 та устaxonани зарур анжом ҳамда кўргазмалар қурилган билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

2005 йилда дастурга биноан мақтабларни жиҳозлаш учун 99.915 та парта, 7849 дона доска, 7589 дона ўқитувчилар столи, 9365 дона ўқитувчилар стули, 21.105 та китоб жавони, 15.364 та кийим жавони ва 2017 та бошқа мақтаб мебеллари харид қилиш, шунингдек 638 та физика, 388 та химия ва биология, 128 та биология, 128 та химия, 986 комплект компьютер синфи, 693 та лингафон кабинети, 380 та тасвирий санъат ва чизмачилик хоналари ва 181 та устaxonани жиҳозлаш режалаштирилди.

Ушбу синф, лаборатория, методик хона, спорт зали ва ошxonалари жиҳозлаш учун 41.910.000 сўм маблағни бюджетдан ташқари Мақтаб таълимини ривожлантириш жамғармасидан молиялаштириш режалаштирилган. Мақтабларини мебел, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва спорт анжомлари билан таъминлаш борасида 2005 йилнинг 27 апрелдан 7 майгача «Ўзэкспо-марказ» залида кўргазма ўтказилди. Унга юртбошимизнинг ташриф буюриши ва тақлифларини билдириши халқ таълими тизимида давлат раҳбарининг жуда катта эътиборидан дарак беради.

Ҳозирги пайтда кўргазма қатнашчилари билдирган тақлиф-мулоҳазалар бирма-бир кўриб чиқилмоқда, президентимиз қиритган тақлифлар ота-оналар, ўқитувчиларнинг тақлифи билан муштараклиги боис, уларни ўрганиш ва келгусида ишлаб чиқаришга тат-

Президентимиз Ислам Каримов «XXI аср интеллектуал ёшлар асри бўлмоғи керак!» дея таъкидлаган эди. Интеллектуал ёшларни камолга етказишда эса, биринчи навбатда бошланғич ва умумий ўрта таълим жараёнлари намунали ташкил қилинмоғи лозим. Буний чўқур ҳис қилган ҳукуматимиз

ўйла-ўлғаяётган ўсмирлар ҳам кези келганда фойдаланиши мумкин. Ота-она ҳар йили ҳар бир фарзандига китоб сотиб олиш ташвишидан ҳоли бўлади. Ака-ука, опа-сингиллар синфдан синфга кўчиши чоғида ўзидан ёши катталарнинг дарсликларидан беамал фойдаланиши мумкин.

Ҳоразмда вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 537 та умумтаълим ўрта мақтаблари мавжуд бўлиб, уларда 2004-2005 ўқув йили даво-

Дарслик билан таъминлаш

Муаммоли жиҳати шундаки, ҳали юртимизнинг ҳамма жойида дарсликларни ижарага бериш тизими мукамал



мида 335.371 нафар ўқувчи ассасалардан олинган манбаларда қайд этилишича, ушбу

Халқ таълими тизимидаги муаммоларни ҳал қилиш учун қандай чораларни кўрддингиз?

Довуд МАДИЕВ, Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ЁШЛАР АСРИ БЎЛМОҒИ КЕРАК!

Ислоҳ КАРИМОВ

биқ этиш учун махсус комиссия иш олиб борапти.

— *Мана бузун охири кўнғирқоқ ҳам чалинди. Якунланаётган ўқув йилида қанча ўқувчи умумтаълим мактабларини битиради? Битирувчиларнинг неча фоизи олий ўқув юртига кириши ва яна қанчаси ишлаб чиқаришга жалб этилиши ҳақида олдидан нима деиш мумкин?*

— Якунланаётган ўқув йилида республика бўйича 592.298 нафар 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларини тугатмоқда.

Битирувчилар билан ўтказилган психологик-педагогик таълим ҳамда ташвиқот-тарғибот ишларида шулар аниқландики, уларнинг 85.305 нафари (14,4%) академик лицей-

таъминлашдаги муаммолар ечими борасида қандай тадбирлар олиб борилмоқда?

— Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларидан 447.100 нафардан зиёд педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактабларига ҳар йили республикамизнинг 19 та университет ва педагогика институтларини тугатган олий маълумотли мутахассислар ишга юборилмоқда. Жумладан, 2003-2004 ўқув йилида 10.000 дан ортиқ ёшлар ишга юборилган.

Бундан ташқари, айрим фанлардан бўлган эҳтиёж ўқитувчиларнинг дарс соатини ошириш, пенсиядаги педагогларни жалб қилиш ҳисобига қопланмоқда.

Умумтаълим мактабларини педагог кадр-

мутахассис етишмайдиган жойларга таклиф этдилар. Олий ўқув юртиларини шартнома асосида тугатаётган мутахассислар ўз хоҳишига кўра ишга тақсимлаш комиссияларида қатнашиб, жойларга ишга юборилди.

— *Дарсликлар билан таъминлашдаги муаммолар ечими ҳақида ҳам гапириб берсангиз.*

— Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий ўқув адабиётлари ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва мактабларга тарқатишнинг комплекс тизимини яратиш мақсадида 2004 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик

талабига кўра, кўлэмалар махсус тайёргарлик кўрган тажрибали амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ва олимлардан таркиб топган жамоатчи экспертлар томонидан баҳоланади. Танловда умумтаълим мактаблари учун дарслик ва қўлланмалар яратиш малакасига эга бўлган мутахассислар, илмий-ижодий уюшмалар қатнашиши мумкин. Танлов очик бўлгани учун охириги йилларда дарсликларни яратиш жараёнига олимлар билан бирга амалиётчи ўқитувчилар жалб этилмоқда. Натигада дарсликларни яратувчи муаллифлар ўртасида рақобат кучайди.

Дарсликларни чоп этувчи нашриётлар ҳам танлов асосида белгиланаяпти. Бу билан уларнинг нашр ҳамда матбаа сифатини ошириш, таннархини камайтиришга эришилди.

Мактабларда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули жорий этилиши муносабати билан ўқувчилар дарсликлар билан тўлиқ таъминланишига эришилди. Бу усул оила бюджетини тежаш имкониятини беради.

— *МДХ давлатларидаги ўзбек мактабларини мутахассислар, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масалалари Халқ таълими вазирлиги ваколатига кирадими? Агар шундай бўлса, мақсуд йўналишида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.*

— Республикамизда яратилган янги ДТС ҳамда ўқув дастурлари шаклан ва мазмунан МДХ давлатларида амал қилинаётган шу хилдаги меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларидан фарқ қилади. Шу боисдан, МДХ давлатлари таълим муассасалари ўқувчилари ўз ҳудудларидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган дастур ва дарсликлардан фойдаланиб келяпти.

Маълумки, Ўзбекистоннинг таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларида лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган дарслик ва дастурлар бўйича дарс ўтилади. Таълим қозоқ, қирғиз, тожик тилларида олиб бориладиган мактабларда эса кирилл ёзувида яратилган адабиётлардан фойдаланилади.

МДХ давлатларидаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларни дарсликлар билан таъминлаш Халқ таълими вазирлиги ваколатига кирмайди. Аммо, МДХ давлатлари мурожаат қилган жойларда уларнинг давлат таълим стандартлари асосида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун «Она тили» ва «Адабиёт» дарсликларини яратишда республикамизнинг олим ва методистларидан иборат муаллифлар гуруҳи амалий ҳамкорлик қилишмоқда.

Шавкат ЁДГОРОВ
сўхбатлашди

ДАСТУР АМАЛДА



ларга, 506.993 нафари (85,6%) турли йўналишдаги касб-хўнар коллежларига кириш истagini билдирган.

Ҳозирги кунда 9-синф битирувчиларнинг академик лицей, касб-хўнар коллежи ёки умумтаълим мактабларининг 10-синфида ўқишни давом эттиришни таъминлаш вазирлигимиз тасарруфидаги таълим марказлари ва умумтаълим мактаблари мутахассислари зиммасидаги вазифадир. Шунинг учун республикамиздаги 9-синф битирувчилари билан академик лицей ва коллежлар жамоаси ҳамкорлигида 2005 йил 14 майда очик эшиклар кўни ташкил этилиб, мактаб ўқувчилари коллеж, лицейларда бўлиб, у ердаги шароит билан танишдилар.

— *Сўнги ишларда умумтаълим мактабларини педагог кадрлар ва дарсликлар билан*

лар билан таъминлашдаги муаммоларни ҳал этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида «Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грант-

лари асосида таҳсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисида низо» ишлаб чиқилди.

Мақсуд низо асосида 25 март кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Педагогик ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган битирувчиларни ишга тақсимлаш тўғрисида»ги қўшма буйруғи қабул қилиниб, жойларга ижро учун юборилди.

Барча олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида таҳсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш бўйича ўтказилган тadbирларда вазирлик, вилоят ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари маъсул ходимлари иштирок этиб, битирувчиларни

қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан мактаблар учун дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни тендер асосида яратиш белгиланди.

2004-2005 ўқув йилида кутубхона фонди учун давлат бюджетидан ҳисобдан нашриётлардан 595 номда 14,8 млн.дан зиёд нусхада дарслик ва қўлланма харид қилинди ва жойларга етказилди. Мактаб ўқувчиларини дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш ўртача 82 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, биринчи марта мактаб кутубхоналари учун лотин алифбосида 5 номдаги 40.300 нусхада, 42,4 млн. сўмлик бадиий адабиётлар харид қилинди. Шунингдек, 12 номдаги 950 нусхада, 92,3 млн. сўмлик ўқув плакатлари, дидактик материаллар мактабларга етказилди.

Амалда қўллаб келинаётган дарсликлар мазмун жиҳатдан экспертизадан ўтказилди ва 2005-2006 ўқув йили учун қайта нашр этилиши зарур бўлган адабиётлар рўйхати белгиланди.

Ҳукумат комиссияси томонидан муаллифларни танлаб олиш ва тасдиқлаш, дарслик ва қўлланмаларни танлов асосида нашр этишни ташкиллаштириш учун танлов комиссиялари тасдиқланди.

2004 йил 25 октябрда мактабларнинг 6-7-синфларининг 19 номдаги дарсликларини яратиш бўйича танлов эълон қилинди.

Халқ таълими вазирлиги кейинги йилларда дарсликларни яратиш ва мактаб кутубхона жамғармаларига харид этилишини танлов асосида амалга ошириб келмоқда. Танлов

табиий. Чунки қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур, дейди алимиз.

Халқимизда қаловини топсанг қор ёнади, деган доно гап бор. Айрим туман халқ таълими бўлими мутаассадилари туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишнинг чора-тадбирларини кўришмоқда.

— Маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини раисларидан кам таъминланган ёки ёрдамга муҳтож оилалар ҳақида маълумотлар олганми. Уларнинг фарзандларини китоб билан таъминлашда, ижара пули тўлашда ёки сотиб оlishда ҳомий ташкилотларнинг ёрдамини жалб қилмоқдами, — дейди Я.Гияриқ туман халқ таълими бўлими бошлиғи Азимбой Мадррахимов.

Дарҳақиқат, бу иш барча туман халқ таълими бўлиmlарида йўлга қўйилса, айни муддао бўлур эди. Ана шунда илмга чанқок ёшларнинг тафаккурини илм-маърифат маънаси ёритиб туришига улкан ҳисса қўлланган ҳисобланади.

Эрпўлат БАХТ,
«Ниҳуқ» мухбири

МАКТАБ — ТАБАРРУК ДАРГОҲ



ўзраб турибди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказганда, бир-қанча кунбунзилишлар аниқланди. Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги томонидан 2004 йили кам таъминланган оила фарзандлари учун 595.638.713 сўмлик 40.213 комплект ботинка, бош кийим ва қўлқоп ўқувчиларга тарқатилган. Амударё туман ХТБга қарашли мактабларда ўқув қуроллари ва кийим-кечакларнинг тарқатилиши танлов йўли билан текширилганда, 40-мактабда уларни олган ота-оналарнинг имзолари қалбақлаштирилгани аниқланди. Шунингдек, ўқитувчилар берган тундириш хатларига кўра бепул тарқатишга олинган кийим-кечакларнинг сифати паст бўлган. Шунга ўшаш камчиликлар Нукус шаҳар ХТБ фаолиятида ҳам мавжуд-дур. Уларни баргараф этиш юзасидан Қорақалпоғистон Халқ таълими вазири Б.Султонов номига тақдимнома киритилди.

Жаҳонда муносиб ўрин эгаллайман деган миллат учун мактаб-маориф ишлари ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бунга тарихдан истаганча мисол келтириш мумкин. Иккинчи жаҳон урушида хароб бўлган Германия ва Япониянинг бугунги камолини кўринг. Миллатнинг қаддини тиклашга бўлган бундай уринишлар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида жадидчилик ҳаракатида музатилган эди. У пайтлари мавжуд бўлган маънавий тузум болбаларининг кенг қўламада янги мактаблар очилиши, болаларга замонавий фанларни ўқитиш, улар учун етарли даражада дарсликларни чоп этиш ҳақидаги орзуларини амалга оширишга йўл қўймаган.

Бугун буларнинг барчасига имконимиз бор. Дейлик, мактабларни янада ривожлантириш борасида умуммиллий дастур қабул қилинганлиги, 1-синф ўқувчиларига дарслик ва ўқув қуролларининг президент совғаси сифатида бепул тарқатилиши таҳсинга лойиқ. Аммо ноҳўй ҳаракатлари билан давлатимизнинг маориф соҳасида олиб бораётган ишларини аҳоли, хусусан ёш авлод олдида обрўсизлантираётган кишилар ҳам

ми вазирлиги томонидан 2004 йили кам таъминланган оила фарзандлари учун 595.638.713 сўмлик 40.213 комплект ботинка, бош кийим ва қўлқоп ўқувчиларга тарқатилган. Амударё туман ХТБга қарашли мактабларда ўқув қуроллари ва кийим-кечакларнинг тарқатилиши танлов йўли билан текширилганда, 40-мактабда уларни олган ота-оналарнинг имзолари қалбақлаштирилгани аниқланди. Шунингдек, ўқитувчилар берган тундириш хатларига кўра бепул тарқатишга олинган кийим-кечакларнинг сифати паст бўлган. Шунга ўшаш камчиликлар Нукус шаҳар ХТБ фаолиятида ҳам мавжуд-дур. Уларни баргараф этиш юзасидан Қорақалпоғистон Халқ таълими вазири Б.Султонов номига тақдимнома киритилди.

Мактаб — табарруқ даргоҳ. Келажакнинг тамал тоши қўйиладиган бу масканда қинғир ишларга йўл қўйилмаслиги керак.

Убайдулло МНАЖОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурининг катта ёрдамчиси вазифасини бажарувчи

қай аҳволда?

хил номдаги китоб ижарага берилаяпти.

Режадаги дастур бўйича 6-7 синф ўқувчилари ҳам ижара тартибида дарслик билан таъминлашни 2005-2006 ўқув йилида 100 фоиз ҳал қилиниши кўзда тутилган.

Таълим соҳаси мутахассисларнинг изох беришича, 8,10,11-синф ўқувчилари учун мўлжалланган айрим дарсликлар чоп қилинмагани боис, ўқитиш тизимида маълум бир қийинчиликларни пайдо қилмоқда.

— Кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар учун, албатта ижара тизими яхши. Бироқ мактаблардаги барча синфлар бу йўлга ўтса, айни

тишади. Албатта, кам таъминланган ёхуд кўп болали оилалар бундай нарҳдаги дарслик билан фарзандларини таъминлаши мушкул.

— Баъзи оилаларда 3-4 нафар ўқувчи мактабда таълим олади. Уларнинг ҳар бирига ўртача 8-10 хилдаги дарслик зарур бўлади. Айрим оила соҳиблари фарзандларининг ҳар бирига бу хил миқдордаги дарсликни ижарага бўлса-да, олиб беришга қурб етмайди, — дейди Урганч шаҳри «Туркистон» кўчасида яшовчи Зумрад опа Матчоновна. — Ижара баҳоси гарчанд арзон бўлса-да, кўп болали оилаларга кўп хилдаги китоблар учун ижара пули тўлаш муаммо туюлиши

МУАММО ИЛДИЗИ

Вояга етмаганларнинг мураккаб психологияси, талабчанлик билан бирга доимий эътибор ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Буни вақтида тушуниб етмаслик қўллаб муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Улар орасида учраб турадиган ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари мисолида буни кўриб чиқишимиз мумкин.

Шиддат билан ривожланаётган замон одамлар орзу-ҳавасини ҳам орттириб юбормоқда. Ана шундай орзу ҳаваслар ўспиринларни шу қадар ўзига муте қилиб олмақдаки, бу ҳолат баъзида аянчли оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Лекин буни ўзига нисбатан қаттиққўллик ёки адолатсизлик деб ҳисоблаган тантик қиз ўз жонига суиқасд қилади. Дискоотекага бориш ёки бормаслик вояга етмаган қиз бола учун шунчалик муҳимидики у ўз жонига қасд қилса? Буларнинг барчаси аънавий тарбия усулига таянмаслик натижасидан бошқа нарса эмас.

Албатта биз фақат ота-оналарни айблаш фикридан йироқмиз. Бунда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, ўз ўзини бошқариш органлари, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам четда турмаслиги шарт. Фаол ижтимоий ҳаётга жалб этилган

бор бермаймиз. Улардан ёрдамимизни аямая, у муаммо санаётган ҳолатлар ўткинчи эканлигини, вақти келиб ўзи ҳам бунга амин бўлишини тушутириб бераолмаймиз. Улар билан муносабатда бағрикенгроқ бўлишни унутиб қўямиз. Лекин ўсмир ўз муаммоларини жиддий қабул қилади. Улардан қутулиш йўллари қидиради, шунда унга ҳаёт тажрибасининг камлиги панд бериши мумкин...

Биз бу билан ҳеч кимнинг ярасини янгиламоқчи ёки кимларгадир насаҳат қилмоқчи эмасмиз. Фақатгина муаммо илдизига эътиборингизни тортиб, бироз зийракроқ, атрофимизда-

Ҳаётингиз қали олдинда



Ўспиринлик даври инсон ҳаётининг баҳорига киёсланади. Бу бежиз эмас. Баҳор қанчалик кўркам фасл бўлмасин унинг қутилмаган тасодифлари, ўз инжиқликларини бор. Ўспиринлик ҳам шундай: кескин ўзгариш ва инжиқликлар даври. Эҳтиمول ўсмирлар табиидаги ўзгарувчанликни инжиқлик дейишимиз унчалик тўғри бўлмас. Бироқ бошқача таърир бериш ҳам мушкул.

Вояга етмаганлар орасида учраб турадиган ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини таҳлил этганимизда, аксарият ҳолатларда уларнинг арзимас сабаблар билан бундай йўл тутаётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, бўқалик М. исмли қиз онаси дўқондан шампун олиб бермагани, аниқроғи, олиб беришни унутгани учун арабзлаб, сирка кислотасини ичиб юборган, оқибада вафот этган.

Худди шунингдек, паркентлик Г. исмли вояга етмаган қиз онасининг костюм олиб бермаганига аччиқ қилиб, ўз жонига қасд қилган ва захарланиш оқибаотида вафот этган. Ўйлаб қоласан киши. Наҳотки, ота-оналарини бир умрлик армон ва изтиробга солиб кетган фарзанд ўз ҳаёти қандайдир буюмлардан кўра минг чандон ортик эканлигини англаб етмаган бўлса?

Бекободлик 15 ёшли Х.нинг фожеаси бундан ҳам ачинарли: у севган(!) қизидан рад жавобини олгани учун ўз жонига қасд қилган. Бунга энди изоҳ беришнинг ҳожати бўлмас керак. Мактаб, оила, дўсту биродарлари унинг изтиробларига бефарқ қарамай, ундан руҳий мададни аямаяганда эҳтиمول бу фожеа юз бермас-миди.

Куйичирчилик Д. исмли вояга етмаган қиз сўроқсиз дискоотекага боргани учун отасидан гап эшитади. Бу табиий. Бунга ота ёки онанинг тўла ҳаққи бор.

ўсмир ҳаётни севиб яшайди. Прокуратура идоралари томонидан олиб борилган терговолди текширувлардан умумий тарзда шундай хулоса келиб чиқмоқда.

Таҳлил этиш жараёнида баъзи ўсмирларнинг ҳеч бир сабабсиз, ҳатто арзимас сабабларсиз ҳам ўз жонига қасд ёки суиқасд қилган ҳолатларга дуч келамиз. Масалан, паркентлик С. исмли 15 ёшли қиз ўз жонига қасд қилганида бахтига онаси кўриб қолган ва жони сақлаб қолинган. Терговда маълум бўлишича, унга галюцинация, яъни ёлгон тасаввурда кимдир (оқ кийимли чол) «ўзингни ос!» дея буйруқ берган эмиш. Бундай файришуурий ҳолатларни чуқурроқ шарҳлаш психологлар зиммасидаги вазифа бўлгани боис улар ҳам бу борада ўзларнинг амалий ёрдамларини беришлари зарур.

Яна шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, ўсмирнинг ўз жонига қасдқилишига атрофдагиларнинг, шу жумладан, юқорида номлари санаб ўтилган мутасадди ташкилотлар ва ота-оналарнинг, юмшоқ қилиб айтганда, эътиборсизлиги сабаб бўлади. Бўка туманининг «Туркистон» жамоа хўжалигида яшаган Х. исмли ўспириннинг фожеаси бунга мисол бўла олади. Ота-онаси ажрашган, бутунлай қаровсиз қолган, саргардонликдан безган 15 ёшли ўсмир ўз жонига қасд қилади. Қариндошлар, маҳалла, мактаб бир ўсмир тақдирига келганда лоқайдликка йўл қўйган.

Ўсмир ўзи учун муаммо санаган нарсаларга биз катталар эъти-

гиларга эътиборлироқ бўлишга қажирмоқчимиз, холос.

Шу ўринда эътиқод масаласига ҳам тўхталиб ўтишимиз керак бўлади. Эътиқод инсон ҳаётининг устуни эканини ҳеч ким инкор этмас керак. Маълумки, муқаддас динимиз инсонларни сабр-бардошли, меҳр-оқибатли бўлишга ундаб келади. Унда ўз жонига қасд қилиш каттиқ қораланади ва Яратганга исён қилиш билан тенг деб талқин қилинади. Бу йўлни тутганлар нафақат бу дунёсини, балки у дунёсини ҳам бой берган бўлади. Ҳеч нарса, ҳеч қандай сабаб ёки баҳона инсоннинг ўз жонига қасд қилишини оқлай олмайди. Диний ва миллий кадриятларимиздан бохабар, шу руҳда тарбия топаётган ўсмир ҳаётдаги муаммолар олдида ўзини йўқотиб қўймайди. Сабр билан уларни енгиб ўтишида эътиқоди унга таян бўлади.

Мулоҳазаларимиз охирида ўсиб келаётган укаларимизга, сингилларимизга икки оғиз айт-тар ўзимиз бор:

Ҳаётни қадрланг, уни арзимас матоҳлар ўткинчи ҳоҳу ҳавасларни деб бой берманг. Сизнинг ҳаётингиз сизга берилган омонат. Унга ҳиёнат қилишга ҳеч кимнинг, ҳатто ўзингиз ҳам ҳаққингиз йўқ. Муаммоларга таслим бўлманг, уларни енгиб ўтинг. Ғўзал ҳаётингиз ҳали олдинда.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Тошкент вилояти
прокурорининг катта ёрдамчиси.
Шавкат ЁДГОРОВ,
«Ниҳуқ» муҳбири

ЭНТИҚОТ БО'ЛИНГ: ФИРИБГАР!

ЎЙНАНГ Ва...

Аҳоли гавжум жойларда турли хил лотерея ўйнаётган одамларга кўп бор сўзимиз тушган. Қимматбаҳо буюмларни кўз-кўз қилиб қўйишдан устаси фарангларнинг тузоғига илинганларни ҳам учратганмиз. Яқинда шундай инсонлардан бирига дуч келдим. Сақсон етти ёшли отахон 1946 йили иккинчи жаҳон урушидан қайтаётганида унга каттагина миқдорда нафақа беришади. Россиянинг қайсидир шаҳрида лотерея-кимор ўйнатовчиларга дуч келган отахоннинг бор пули шиллиб олинади. Уч-тўрт шерикдан иборат бу товламачиларни тавбасига таянтирган жангари йигитни улар узок вақт эслаб юришган бўлса ажаб эмас. Лекин ҳамма ҳам ўзининг ҳуқуқини етарлича ҳимоя қила олармикан?

Ёзнинг иссиқ чилласидан лоҳас бўлган шериклар ўзларини салқинга уришди. Гулистон шаҳрида сир деярли фош бўлганлиги боис бу ердан секингина «сурвориш» лозим бўлиб қолди. Рустам гуруҳ сардори сифатида бошқаларга шундай буйруқ берди. Корейс Марта Кон ҳар доимгидек уни тез фақлади. Файбулла уларнинг ортидан Ниғина билан Санобарни охтаб чиқди. Зудлик билан «Нексия» ижарага олинди.

— Пулига гап йўқ ака, тезроқ ҳайданг, — деди Рустам ҳайдовчини кистаб.

Текин келган эмасми, шофёр каттагина пул айтса ҳам парво қилишмади. Шу тариқа бир зумда «Гагарин» шаҳарчасига етиб келишди. Бир четдаги сўлимгина кафеда тамадди қилишди. Сўнг Файбулла «клиент овлашга» чиқа кетди.

— Тошкентдаги «Грант» фирмасиданмиз, лотерея ўйнатаёпмиз, — деган қақриқ биринчи бўлиб Гагазай Раманованинг эътиборини тортиди. Нигинанинг бу «реклама»-сига Марта ҳам, Файбулла ҳам «илинишди». Кафега кириб олишган бу шахсларга қўлбола тайёрланган лотереялар берилди.

Гагазай Раманованинг суддаги кўрғазмасидан:

— 2002 йил 19 июл куни бозордан рўзгор буюмларини харид қилиб қайтаётганим. Чиқаверишда бир аёл янги лотерея ўйини ташкил қилинганлигини, одамларни қизқртириш учун дастлаб текин ўйналаётганини айтди. У бизнинг ёнгинамиздан ўтиб кетаётган корейс аёли билан эркак кишини ҳам тўхташиб, ҳаммамизга билет берди. Текшириб кўрайлик деб бизни «Дилшоод» кафега таклиф қилди. Мен сояда турган турмуш ўртоғимни ҳам имлаб чақирдим. Кейин ўйин бошланди. Эрим билан корейс аёлига барабар телевизор ютуғи чқиди.

«Бу телевизор 485 АҚШ доллари туради. Сизларни табриқлайман» деди сотувчи қиз.

Биз хурсанд бўлдик. Турмуш ўртоғим ютуқни бўлиб олишни таклиф қилди. Корейс аёл кўнмади. Кейин «аукцион» қиламиз деб туриб олишди. Буни мен тушунмадим. Тушунтиришларича ҳар иккала миқоз чўнтағидаги бор пули ва тилла тақинчоқларини ўртага қўяди. Кимнинг маблағи ёки тилла буюмлари кўп бўлса ўша катнашчи ютуқ ва «аукцион»га қўйилган буюмни олишини айтиб бизни келиштиришди. Корейс аёл чўнтағидан кўп пул чиқарди. Бизнинг «чўнтагимиз куруқ бўлганлиги боис мен тилла тақинчоқларни ечиб ўртага қўйдим. Тилла узугим, бир жуфт тилла сирғам, олтин занжирим анчагина пул бўлди. Рақибимиз пули тугаганлигини айтиб, йиғлаб чиқиб кетди. Ва биз ютганлигимиздан хурсанд бўлдик.

«Ютуқ сизга бериладми» деди ўртани бошқариб бораётган қиз. «Фақат «аукцион»га қўйилган нарсаларнинг 15 фоизи бизга берилиши лозим...»

Ўн беш фоизлик устама 125 минг сўм бўлди. Мен тилла тақинчоқларимнинг бир қисмини пулга қақшини хоҳламадим. Бозордаги танишларимдан шунча пулни йиғиб келдим. Ўн дақиқадан кейин келиб қарасам, сотувчи қиз ҳам, бошқалар ҳам гойиб бўлишди. Эрим эса бурқабдаки гастрондан чиқиб келяпти.

Бауржан Сақбаев (Гагазай Раманованинг эри):

— Хотиним пул топиб келишга кетгач, лотерея ўйнашда ёрдам бериб турган йигит «ювайлик» деди. Шу жқин атрофдаги гастроннинг буфетига кириб юзта-юзта олдик. У бола «мен ҳозир келаман» деб чиқиб кетди. Бир оз ўтгач, у келавермагач орқасидан излаб чиқдим. Афсуски, у ҳеч жойда йўқ эди.

Рустам Камолов (лотерея «ташкилотчиси»):

— Олдиндан пиширилган, бир неча бор синовдан ўтган режа амалга ошди. Хотинини пулга жўнатиб, ўзимиздан узоклаштирдим. Тилла буюмлар ҳам, телевизор ҳам қўлимизда қолганди. Бунинг устига ҳеч ким шубҳаланмаётганди ҳам. Навбат эрига келганди. Эркак кишини чўв туширишининг энг осон йўли унга ароқ ичириш эканлигини яҳши билганлигим боис унга «илтифот» кўрсатдим. Йигит ҳам таранг қилмай рози бўла қолди. Узокроқдаги гастроннинг танлаб, олиб бордим. Ароқ қуйиб бериб, шу ерда кутиб туришини тайинладим. Бу орада шерикларим ҳамма нарсани йиғштиришга улгуришганди. Олган ўлжа ҳисобидан кафеда еган овқатларимизнинг пули тўланди. Машинада кутиб турган шерикларим сафига қўшилишим биланок, у ўқдек учди. Йўл-йўлакай хурсандчилик қилиб келдик. Ўйиндан олган «таассуротларимизни» айтиб роса қулишдик. Мартанинг артистлигига қойил қолдик. Чинакам ютқизган аёлдек йиғлаб чиқиб кетганини айтмайсизми? Тақинчоқларни Файбулла ўзида олиб қолди. Биз эса турли тарафга тарқаб кетдик. Эртасига эса сотилган тиллардан улушларимизни олдик.

Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан олиб борилган тезроқ тадбирлар натижасида ушбу жиноий гуруҳ қўлга олинди, жавобгарликка тортилди.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Ниҳуқ» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти фаолиятдан

ХАМҚ МАНФРАТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўтган йили ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳридаги шойинч тиббий ёрдам марказининг токсикология бўлимига спиртли ичимликлар ҳамда қўлбола усулда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларидан захарланган беш мингга яқин бемор келтирилган. Уларнинг 37 фоизини спиртли ичимликлардан захарланганлар ташкил этади. Бирок ички ювчи, сунъий нафас олдириниш, уқол қилиш каби муолажаларга қарамай, учта беморнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.



Аббос МАЪРУПОВ, Тошкент шаҳар шойинч тиббий ёрдам маркази токсикология бўлими бошлиғи, медицина фанлари доктори

Қўлбола ароқлар «заводи»

Мутахассисларнинг таъкидлашча, ароқ, вино ёки бошқа спиртли ичимликлар инсон организмига бирданига таъсир этмайди. Ичкиликка ружу қўйган киши аста-секин ароқни сув ўрнида ича бошлаб, сурункали алкоғолизм дардига чалинади. Мия, юрак-қон томирлари фаолияти сустлашади. Нафаси қисади, жигар емирилади. Соғлом турмуш тарзини танлаганида саксон-тўқсон йил яшаши мумкин бўлган кишилар ароқ билан ўз умрларини захарлаб борадилар. Улар шароб ичмаса туролмайди деган бўлиб қолади. Бу қўлбола ароқ тайёрловчилар учун айни мудида бўлиб, мижозларини янада тубанликка етаклайди. Чунки самгоннинг нархи корхоналарда ишлаб чиқарилган ароқнинг улгуржи нархидан арзон бўлгани учун улар ҳамёнига 300 сўм фойда қолишини ўйлаб қўлбола ароқни харид қилишади.

Юртимизда ароқнинг харидорлари кўп. Буни яхши билган мамлакатимизнинг Ҳамза туманида яшовчи Сергей Буташев кўпроқ даромад олиш мақсадида «тадбиркорлик» қилмоқчи бўлди. У туманида жойлашган «Студио» МЧЖга қарашли қаҳвахонада Ўзбекистоннинг акциз маркаси бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликларни сотган. Лекин у бу фаолияти омонат эканлигини, қинғир ишининг қийини қирқ йилдан кейин ҳам қийинини англаб етмади. Хуллас, «тадбиркор»нинг савдоси авжига чиққан пайти фаолиятига чек қўйилди. Тегишсиз 14 турдаги 1.006.000 сўмлик спиртли ичимликлар дали-

ларидан яшовчи М.Раҳмоновдир. У шаҳардаги «Ҳамробек» хусусий фирмасига қарашли шиша идишлар қабул қилиш шахобчасида яширин цех ташкил этиб, қўлбола шароб ширлаб чиқариш билан шуғулланган. Ушбу цех, фирма дўкони ва М.Раҳмоновнинг уйи қўздан кечирилганда, акциз маркаси елимланган 8.583.700 сўмлик 8515 шиша хар хил турдаги ароқлар, 7,5 литр этил спирти, 128 дона этикетка ва 2371 дона темир қоғоққ далилий ашё сифатида олинган.

Республика Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖКК департаменти ходимлари ана шундай сифатсиз ичимликларни четдан келтириб сотишга барҳам бериш, яроқсиз алкоғоли ичимликларни ишлаб чиқарувчи яширин цехларни фош этиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 329 та шундай ҳолат аниқланиб, контрабанда йўли билан республикамизга олиб келинган, акциз маркасиз ва яширин цехларда тайёрланган маҳсулотлар, этил ва техник спирт ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шу ўринда бир савол туғилди: ароқ ишлаб чиқаришда қўлланганидан спирит давлат монополиясига олинган бўлса, айрим фуқаролар қўлбола ускуналарда шароб ишлаб чиқариш учун хомашёни қаер-



Қалбаки акциз маркалар

лий ашё сифатида олинди. Сотувчи маҳсулотини қимматроқ сотишга ҳаракат қилади. Олувчи арзон олсам дейди. Бу табиий. Аммо арзонга учиб, сўнг соғлиғидан айрилаётганлар кўп учрайди. Шундай яроқсиз спиртли ичимликларни ишлаб чиқарётганлардан яна бири Бухоро вилоятининг Когон

дан олапти? Уларни спирт билан кимлар таъминламоқда? Ушбу масалалар юзасидан ҳам департамент ходимлари қидирув олиб боришапти. Шундай тадбирлардан бири Бектемир туманида жойлашган Қўйлик бозори яқинидаги автомобиллар тўхташ жойида бўлиб ўтди. 11 Т 07-46 номерли «КамАЗ» машинасининг юкхонаси текширилганда унда 200 литрлик 75 та бочкада 15 тоннага яқин спирт борлиги аниқланди. Маълум бўлишича, уни Тожикистон фуқаролари У.Мансуров ва Д.Қурбоновлар Тожикистондан Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний равишда олиб киришган. Шунингдек, яширин цехларга топшириш учун «Стабильная», «Вархан», «Контра», «Снежный барс», «Пшеничная» сингари 2.036.000 та ёрлик олиб келинганлиги маълум бўлди.

Булар аниқланганлари холос. Бироқ қўлбола ароқни ичиб, саломатлигига зиён етказганларнинг саноғини ким айта олади? Шундай экан, ҳар бир истеъмолчи сифатли маҳсулотни харид қилиши лозим. Чунки яроқсиз маҳсулот нафақат бир инсонга, балки жамиятга катта зарар етказиши мумкин. Департамент органларининг ходимлари бундан кейин ҳам ана шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида муросасиз кураш олиб бораверадилар.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА, Республика Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖКК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори

Чет элда ишлаб чиқарилган эмиш

Ҳамза туман прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бўлими томонидан акциз маркасиз спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган шахслар аниқланиб, улардан 4.920.000 сўмлик маҳсулот олиб қўйилди. Юридик шахслар томонидан эса 362.000 сўм нақд пул банкка топширилмаганлиги аниқланган. Уларга нисбатан 2.612.000 сўм жарима қўлланилди.

Жумладан, «Габан Фреш» МЧЖга қарашли «Эпицентр» номили қаҳвахона офисанти мижозга акциз марка бўлмаган спиртли ичимлик сотиб, 160.000 сўмлик хизмат кўрсатиб, чек бермаган. Қаҳвахона омборида тегишли ҳужжатлар ва акциз маркасиз 2.392.000 сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган ичимликлар мавжудлиги аниқланиб, вақтинча олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан кўзгатирилган жиноят иши Ҳамза туман жиноят ишлари бўйича судида қўрилиб, олиб қўйилган спиртли ичимликлар истеъмолга яроқсизлиги аниқланди. Қаҳвахона раҳбари Роман Кимга нисбатан 1.100.000 сўм жарима қўлланилди.

Кейинги пайтда айрим «тадбиркор»лар бозорларда қўлбола ароқ сотишининг ҳадисини олди. Кимдир уларга этикетка, яна кимлардир спирт келтириб беради. Авиасозлар бозори рўнарсидеда Г.Мавлонова Козогистонда ишлаб чиқарилган этил спиртини сотаётганда қўлга олинган. Тегишсиз 24 литр спиртга ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилолмагач, маҳсулотлар олиб қўйилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ана шундай сифатсиз спиртлардан бежирим қилиб тайёрланган қўлбола ароқлар қаҳвахона ва ресторонларга тарқатилмоқда. Хорижийи деса «ётиб ялайдиган» айрим юртдошларимиз уларни қимматга сотиб олиб истеъмол қилишмоқда. Оқибатда эч бебаҳо бойлик – соғлиқларига путур етганини жуда кеч аёнлашмоқда.

Зиёдулла ИНОҒОМОВ, Ҳамза туман прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бўлими бошлиғи

Бухоро вилояти майдони жихатидан мамлакатдаги энг катта вилоятлардан саналади. Унинг «Буёқ ипак йўли»да жойлашганлиги бу ерда хунарманчилик тармоқлари – қўлоқчилик, темирчилик, мисгарлик, зардўзлик ва савдо-сотик ишлари ривожланишига туртки бўлган. XVI асрдан Бухоро савдо-сотик ривожланган шаҳар сифатида бутун Европа ва Шарқда шуҳрат қозонди. Бухоронинг бундай нуфузга эришишида шубҳасиз ўша даврда мамлакатда жорий қилинган қонуларнинг ўрни катта бўлган. Боя ва солиқлар тўлови яхшилиги, савдога ва тадбиркорларнинг тўловларни тўлаб боргани мамлакатнинг барқарор ривожланишига сабабчи бўлган.

Бугун Бухорода бу муаммолар қандай ҳал қилинмоқда? Тадбиркорлар, савдо ходимлари, солиқ тўловчилар қонуний тўловларни ўз вақтида давлат хазинасига ўтказаяптими?

Мақсадимиз Жазолаш Эмас...

Бухоро вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бошқармаси ва ҳудудий бўлиmlари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 122 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 101 та жиноят, 21 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Шунингдек, ўтган даврда молиявий жарималар билан бирга қўшимча солиқ ва тўловлар суммаси 3.841.029.000 сўмни ташкил этган. Ҳозирги кунга қадар 1.447.595.000 сўми ундирилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 252.404.000 сўм кўп демасдир.

Нақд пул айланиши этикисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Пул айланишини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш, пулнинг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товланишнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Вилоятда бу борада аниқланган ноқонуний товар-пул айланмаси 15.439.996.000 сўмни ташкил қилди. Оқибатда нақд пул тушумини банкка топширмаслик 1.874.778.000 сўмни ташкил этган. Утказилган тадбирлар натижасида банкларга қўшимча 34.000.000 сўм туширилишига эришилди. Бюджетта ундирилиши лозим бўлган солиқ ва

мажбурий тўловлардан 31.000.000 сўми банкларга топширилди.

Жумладан, Бухоро шаҳридаги «Амбра» хусусий корхонаси раҳбари 2004 йилда савдо фаолиятини амалга ошириш учун Бухоро шаҳар ҳокимлигидан улгуржи ва чакана савдо қўлиш ҳужжиди берувчи рухсат қўлувоҳомасини олган. Бухоро шаҳрининг «Асакабанк»даги ҳисоб рақами орқали 44.169.000 сўмлик кредит операцияларини амалга ошириб, шундан 18.470.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини нақд пулга сотган. Бундан ташқари, корхонанинг «Ҳамкорбанк»даги ҳисоб рақами орқали 12.000.000 сўмлик операцияни амалга оширишган. Бу ҳам етмагандек 1.183.000 сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни камайтириб кўрсатиб, уларни тўлашмаган.

Ш.Саидовага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, фирма томонидан банкка 3 млн. сўм топширилишига эришилди.

Р.РАҲМАТОВ, Ш.БҮРОНОВ,

Бухоро вилоят прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бошқармасининг маъсул ходимлари

Бошингга не келса...

Кайси бозор дарвозасига яқинлашганингиз билан бежирим кийинги одамларга дуч келасиз. Улар сизга ўз хизматини тақдим қилади. «Доллар оламиз. Россия рублини сотамиз. Қизилини (олтин демोकчи) «кўки»га алмаштираемиз». Бу «азамат»ларнинг бозордаги тиричилиги шу. Бошқалар бир ойда толганини улар бир кунда топади. Кунига 2-3 минг «кўки»ни сўмга ёки сўмни «кўки»га алмаштира сўмга 50-60 минг сўм қолади. Бундай ишнинг ҳадисини олган киши давлат корхонасида бир ой туғул бир соат ҳам ишламайди.

Навоийлик Мавлуда Мухаматова ҳам ана шундай «ишбилармон»лардан эканлиги маълум бўлиб қолди. У Навоий шаҳрида жойлашган бозордаги «Синтепон» дўконига номига нухса кўчирувчи бўлиб ўтиб олган. Тиричилисини эса «кўки»дан қилади.

Бироқ Мавлуда Навоий вилояти прокуратураси хузуридаги СВОЖКК бошқармаси ходимлари рейд ўтказётганидан беҳабар қолди. У 2000 АҚШ долларини фуқаро Н.Замроровага сотаётганда қўлга тушди.

У 1800 АҚШ долларини ўзиники, 200 АҚШ долларини таниши О.Қўлиевага

Саҳифа Республика Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖКК Департаменти матбуот гуруҳи билан ҳамкорликда тайёрланди.

UCHRASHUV

— Султонпошша опа, аввало бор ўзингиз ҳақингизда қис-қача айтиб берсангиз.

— Аввало, эътиборларингиз учун раҳмат. Мен 1956 йили Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида оддий ишчи оиласида ту-тилганман. Илгари Янгибозор кичик қишлоқ эди. Раҳматли отам колхозчи, онам эса уй бекаси бўлиб, бизнинг тарбиямиз билан шугулланган. Ойлада тўққиз фарзанд эдик. Ҳозир саккизта-миз қолдик, битта акам дунёдан ўтган. Опа-укалардан уч нафари Тошкентда, уч укам ва бир онам Хоразмда яшашади. Санъатга қизиқишим болалигимданқош бош-ланган эди. Ота-онам санъатни жуда севишган. Отам доим Хо-размнинг машҳур санъаткорла-ридан Комилжон Отаниёзов, Ота-жон Худойшукров, Ҳожижон Бол-таевларнинг кўшиқлари ёзилган пластинкаларни тинглаб, ҳордиқ чиқарарди. Шу сабабми, менда ҳам кўшиқчиликка интилиш куч-ча бошлаган. Ҳатто радиода бе-риладиган яхши кўшиқларни бир-икки эшитиб, осонгина ёдлаб олардим. Ўзимга жуда ёқиб қол-ган кўшиқларни эса хиргойи қилиб юрганларим ёдимда. 2-синфда ўқиб юрган пайтларимдан кўшиқ айта бошлаганман. Бир куни дарс вақтида партани чертиб ўзимга жуда ёққан кўшиқни айтиб юбор-ганимдан хижолат бўлиб қолган-им ёдимда. Ушунда ўқитувчим ёнимга келиб:

— Қани, бу ёққа чиқиб айт, биз ҳам эшитайлик, — деб мени доскага қартириб, кўшиқ айти-шарин эди. Кейин «Яхши ово-зинг бор экан-ку, сен билан му-тахассис ишлаши керак» дея бу ҳақда ашула ўқитувчимиз билан гаплашган. Мен ўқиган даврда мактаб директори Ҳабибулла Матёкубов деган киши бўлган. Бахтимга директорини санъат-га ихлосманд киши эди. Мусиқа-дан эса бизларга Тошкентда ўқиб келган Ҳожибой Нишонов деган киши сабоқ берган. Директори-миз Ҳожибой акага:

— Бу қизча билан махсус шу-гулланасан, яхши кўшиқлар ай-тишга ўргатасан, — дея топши-риқ берган. Шундан кейин му-аллимимиз менга кўшиқчилик сирларидан мукаммал сабоқ бера бошлаган эди. Уша давр-ларда мактабларо турли тан-ловлар уюштириб туриларди. Шундай тадбирларда тез-тез қатнашиб турадиган бўлдим. Тан-ловларда бизнинг мактаб дои-мо биринчи ўринни олиб келган-нидан директорини раҳбарим-изга миннатдорчилик билди-рар эди. Истеъдодли болалар билан мунтазам ишлашни у ки-шининг ўзи назорат қиларди. Шундан кейин туман миқёсида, аста-секин вилоятда ҳам тани-ла бошлаганман. 4-синфда ўқиб юрган кезларим илк бор Хоразм телевидениесида кўшиқ айтиб чиққан эдим.

1972 йили Ўзбекистонда «Марҳабо, талантлар» танлови бошланди. У пайти мен 7-синф-ни битириб, 8-синфга ўтган эдим. Танловда Шермат Абдул-лаев басталган «Онажон» кўши-гини айтиб чиққанман. Бу кўши-гимни «ЎЗТВ-1 каналида намойи-ш этишган. Шу кўшигим билан голиб бўлдим. 1972 йилнинг охи-рларида танлов голибларининг концерти бўлиб ўтди. Унда яна бир янги кўшигимни айтиб чиқ-қанман. Ёшлиқда одам сержай-рат, шижоатли бўлар экан. Мен танлов голиби бўлдим, энди мар-жа меники деб ўтирмаганман. Чўқур билим олишга, ўз устимда кўпроқ ишлашга ҳаракат қилдим. Устозим Ҳожибой акадан гоҳ уни, гоҳ буни сўраб-ўрганиб, хол-жонига қўямас эдим.

Кейинчалик шундай «Қуйланг, ёш хонандалар!», «Чашма» каби танловларда ҳам биринчи ўрин-ни олишга муяссар бўлдим. «Са-



лигим яхши бўлмагани туфайли яккагон концерт беролмадим. Аммо телевидение ва радиода, шунингдек, айрим концертларда қатнашиб турибман. Шахсан мен санъатда ва умуман ҳаётда меъ-ёрга алоҳида эътибор бераман. Меъёрдан ошган барча ишнинг баракаси бўлмас экан. Шу билан бирга, сифат билан меъёр бир маромад бўлиши лозим. Худо хо-ласа, яккагон концерт бериш ни-ятим бор. Ҳозирча унинг қачон ва қаерда бўлиши сир бўла қол-син.

— Устоз санъат-кор сифатида бугун-

виб тинглайди.

Асил санъати бор санъаткор-нинг номи мангу яшайди. Маса-лан, Комилжон Отаниёзов, Ҳожи-жон Болтаевнинг ижодларига қаранг. Ҳатто эллик йил ёки ун-дан ортиқ вақт ўтса-да, уларнинг кўшиқларини севиб, қайта-қайта тинглашади. Уларнинг даврида биргина тор ва доирани чертиб кўшиқ айтишган. Бугунги техни-калар у пайтлари умуман бўлма-ган.

— Санъаткор қаерлик бўлса, ўша жойнинг шевасида ва аён-наларининг таъсирида кўшиқ ай-таётганига қандай баҳо бера-сиз?

ган, мақсади даромад бўлган санъаткорларни халқ вақт-соати билан четга суриб қўяди. Биз-нинг барча меҳнатимиз шу за-мин, шу халқ учун бўлишини унут-маслигимиз керак.

— Кўшиқчилик санъатида истеъдод, илҳом ва истак ҳақида мулоҳазангиз қандай?

— Кишига истеъдод ҳам, ил-ҳом ва истак ҳам бирдек зарур. Бундан ташқари унда санъатга муҳаббат, садоқат, ахлоқ-одоб, билим мужассам бўлиши шарт.

— Сизнинг озарбайжон, турк, туркман тилларида кўшиқ айтишингизни кўпчилик яхши

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ СУЛТОНПОШША ЎДАЕВА БИЛАН СУҲБАТ

АСИЛ САНЪАТ
МАНГУ ЯШАЙДИ

одат» журналида танлов голиб-лари айтган кўшиқларнинг матни ва ноталари чоп этилган эди. Мак-табни тамомлаб, Хоразм педа-гогика институтига ўқишга кир-ганман. Бир йилдан сўнг турмуш-ча қикдим. Қолган ўқишимни Тош-кентда давом эттириб, Низомий номидаги педагогика институти-нинг филология факултетини та-момлаганман. Бир неча йил мак-табда ўқитувчи бўлиб ишладим. Аммо санъатга бўлган қизиқи-шим устунлик қилар эди. Ҳар йили мактабдан таътилга чиқиб, кўшиқ қуйлаш ва ёзиб олиш учун радио-га келардим.

Санъатдаги озми-кўпми меҳ-натларим учун 1993 йили «Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган ар-тист» унвонига сазовор бўлдим. Шу йили Хоразмдаги «Лазги» ансамблига ишга тақлиф қилиш-ди. Розилик бердим. Шундан бери яккагон хонанда сифатида фи-лормонияда ишлаб келаяпман.

— Санъаткор аёлининг оналик масъулияти ва оиладаги ўрни қан-дай деб ҳисоблайсиз?

— Бу саволингиз ҳар бир санъ-аткор аёл учун муҳим аҳамиятга эга. Умуман аёл киши учун оила-вий бахт доимо биринчи ўринда туради деб ҳисоблайман. Аёл-нинг оила ва фарзандлар камо-лидаги масъулияти кўпроқ бўла-ди. Турмуш ўртоғим Сафарбой Алимбоев иккимиз бир-биримиз-ни болалигимиздан яхши таний-миз. Бир маҳаллада катта бўлиб, кейинчалик бир ансамблда 20 йил ишлаганман. У киши санъатнинг машаққатларини тушунган инсон. Сўнгги беш-олти йилдан буён тур-муш ўртоғим Ўзбекистон телера-диокомпанияси «Ўзбекистон» ка-налининг мусиқа тахририятида ишлаб келмоқда. Ҳамкасб бўл-ганимиз учун у киши меннинг энг яқин маслаҳатчим ва мададкор-имдир.

Ойлада эр-хотиннинг бир-би-рини тушуниб, ардоқлаб яшаши-га нима етсин. Тўғри, ҳар бир оиланинг ўзига яраша муаммо-лари бўлади. Ҳаёт қийинчиликла-рини оқилона ва матонат билан енгган оилалар мустаҳкам бўлар экан.

— Кейинги пайтларда саҳна-да кам кўринаялсиз.
— Тўғри, икки йилдан буён се-

ги кўшиқчиликка муносабатин-гиз? Айримлар кўшиқчилик да-ромади соҳага айланиб бораят-ти дейишмоқда.

— Энди ким қандай тушуниши-ни билмайман-у, аммо биз кўшиқ-чи бўлган даврда кўшиқ айтиб, бой бўлиб кетаман деб ўйлама-ганмиз. Ягона орузм кўшиқ айт-сам, кўшиқларим эса халққа ман-зур бўлса деб ижод қиламан. Ал-батта, пул ҳаммага керак. Аммо ҳар қандай даромад ҳалол бўл-гани яхши. Топгани ҳалол бўлган инсоннинг эл-юрт олдида хурма-ти улуг бўлади. Барча ўсиб ке-лаётган санъаткорларнинг ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол ризқ-рўзи бўлишига тилак-дошман.

Бугунги кун кўшиқчилигига ҳар кимнинг ўзига яраша муносаба-ти бўлиши таби-ий. Юртимиз ис-тиқлоли санъат-нинг ҳар бир йўна-лишига таъсир этди. Кўшиқчилик-да янги овозлар пайдо бўлди. Санъаткорнинг ижод-дига ҳолис баҳо қи-лаёт халқимиз се-мик бера олади.

Гуруч-нинг ичи-да курма-ги ҳам бўлади деган-ла

ридек, санъаткорлар орасида фа-қат даромад учун ижод қилаёт-ганлар учраб туриши ачинарли ҳол. Ҳалол меҳнат ва ижоди билан халққа манзур бўлаётган ёшлар кўп. Аслида санъаткорлар-нинг кўпайишидан рақобат ву-жудга келади. Халқимиз санъат-ни яхши тушунади ва жонли ижро билан ширали овозни доим се-

— Агар санъаткор ўз шеваси ва аённаларини таъсирида маҳор-ат билан кўшиқлар айта олса, баракат топсин. Масалан, санъат-кор Фарғоналик бўлиб, Хоразм ёки бошқа жойларнинг шеваси ва аённаларини уйғунлигида кўшиқ айта билса, жуда яхши-ку. Эъти-бор берсангиз, бугун хоразмлик бўлмаган бошқа вилоят хонанда-ларининг репертуарларида бир-иккита хоразмча кўшиқ бор. Мил-лий кўшиқларимиз билан бирга хорижий кўшиқларни қуйлай олаётган санъаткорлар бугунги кунда кўпчиликини ташкил этади. Санъаткор қайси тилда кўшиқ ай-тмасин, ҳалол ижод қилиши ке-рак. Чунки қуй ва кўшиқни «ўғирлаб» ижод қилган санъаткор ўзига бўлган хурматни шу заҳоти йўқотади.

— Кейинги пай-тларда телевидение ва радиога хораз-лик хонандаларинг чиқиши кўпайиб кетмаяптими?

— Хоразм за ми н и азал-азал-дан санъат-корлар диё-ри дея улгу-ланади. Бу ердан Ко-ми л ж он Отаниёзов, Ҳо жи ж он Бол та ев, Ота ж он Худ ой ш ук ров, Ор тик Ота ж он, Бобо мур од Хам дам ов, Му с с-сук Раз зо ко ва ка би бую санъаткорлар етишиб чиққан. Бугунги кунда ҳам кўплаб истеъдодли хонандалар етишиб чиқмоқда. Улар ора-сида Феруза Жуманиёзова, Қул-кар Абдуллаева, Санамжон Ота-ева, Умсийой Раҳимова, Ирода Искандарова каби меннинг ўқув-чиларим ҳам бор. Ёшларнинг ка-молидан мамнунман. Аммо ёшлар тўғри йўналишда ижод қилиб ис-теъдодини намоён қилса, санъа-тимиз яна ҳам раванк топган бўлар эди. Аксинча, устоз кўрма-

блади. Кўшиқни қуйлаётган мамлакатлардаги мухлисларин-гиз буни қандай баҳоламақда?

— Мен шарқ кўшиқларини жуда яхши кўраман. Айниқса араб, ҳинд, озарбайжон, турк-ман, тожик ва эрон кўшиқларини севиб тинглайман. Умуман ол-ганда, уларнинг барчаси қуйла-ри билан ўзбек кўшиқларига яқин туради. Халқимиз шарқ кўшиқ-ларининг матнига тушунмаса-да, аммо севиб тинглайди. Хоразм шеваси турк, туркман ва озар-байжон тилларига яқин бўлгани учун шу тилларда кўшиқ айтишда қийинчилик сезмайман. Маса-лан, хоразмликлар эшикни қопи дейишди, турк тилида ҳам шун-дай. Лекин барибир айрим сўзлар оҳангини кўп марта машқ қила-ман. Бошқа тилларда айтган кўшиқларимни тинглашганда «маромида айтибди» дейишди-рини ва севиб тинглашларини хоҳлайман. Ҳатто хориждаги кон-цертларимда томошабинлар мен-дан: «Сиз озарбайжонни ёки туркманмисиз?», — деб сўраша-ди. Уларга ўзбеклигимни айт-сам, ишонмай анчагача тикилиб қарашади. Озарбайжонда бўлган-нимда у ерлик халқ Хоразм кўшиқларини ҳам севиб тингла-шига амин бўлдим.

— Санъаткор бўлмаганингиз-да қайси соҳани танлаган бўлар эдингиз?

— Агар санъаткор бўлмаган-имда ўқитувчи бўлиб қолар эдим. Аммо ҳеч қачон санъаткор бўлганимдан нолимайман.

— Сир бўлмаса, орзуларин-гизни айтиб берсангиз.

— Инсон доим орзу-ҳавас бил-лан яшайди. Меннинг орзуларим ҳам жуда кўп. Энг асосий орзу-ларимдан биттаси — халқим учун умубоқий ва чиройли кўшиқлар яратиш. Қолаверса, чет эллар-дан тақлифлар бўлиб турибди, хорижда ҳам концерт бермоқчи-ман.

Дунё тинч, халқимизнинг тур-муши фаровон, ризки бугун бўлсин. «Ниқуқ» ўқувчиларига сийлат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

«Ниқуқ» муҳбири Гули ХОЖИБОЕВА суҳбатлашди



SUD OCHERKI

Дона халқимиз: «Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади», — деб бежиз айтмас экан. Кўйида эътиборингизга хавола этилаётган воқеа қахрамонлари қабиҳ жиноятга қўл уриб, ана шундай ёмон ном олган кимсалардир.

Андрей Валерьевич Лашкевич 1977 йил 19 март кuni Тошкент шаҳрида туғилган, олий маълумотли, уйланмаган, вақтинчалик ишсиз, илгари судланмаган.
1977 йил 11 ноябр кuni Тошкентда туғилган Борис Борисович Кладов ҳам уйланмаган, ўрта маълумотли, илгари судланган.

2003 йил август ойлари эди. Кuni билан уйда зерикиб ўтирган Андрей нима қилса бойиб кетиши ҳақида ўйлай бошлади. Халол меҳнат билан ризқ-рўза топишни ҳаёлига ҳам келтирмай, кўлига «Тошкент ҳафтано-маси» газетасини олиб, рекламаларни қараб чиқа бошлади. Шу пайт бир эълонга кўзи тушди. Унда «Антиквар буюмларни сотиб оламан. Қиммат нарҳда!» деган сатрларни ўқиб, кўрсатилган манзилни ёндафтарига ёзиб олди. «Антиквар буюмлар доимо қиммат баҳоланади, уларни сотиб олувчида мўмаёгина пул бўлиши керак!», — деган фикр ҳаёлидан кетмай қолди. Вақтни бой бермай, 2003 йил 5 август кuni соат 21⁰⁰ ларда ўша эълон бўйича кўнгирак қилди:

— Алло, яхшимисиз? Эълон бўйича телефон қилаётган эдим. Менда кумушли сандиҷча ва икки жуфт мелхиор буюмлар бор. Агар қизиқсангиз учрашганимизда уларни сизга кўрсатаман.

Азалдан антиквар буюмлар ишқибози бўлган Анвар Сайфиддиновни Андрейнинг кўнгираги хурсанд қилиб юборди.

— Яхши, қачон ва қаерда учрашамиз, ўзингиз айта қолинг.

Андрей иш осон қўлаётгани ва бир «сода»-ниқармоғига илтириганидан мамун оҳангда деди:

— Ошна, ундай бўлса, эртага соат 11⁰⁰ ларда менинга кела қолинг. Адресимни ёзиб олинг. Эртага уйимда кутаман.

6 август кuni келишувга биноан Анвар Андрей айтган манзилга келганида Андрей уни ичкарига таклиф этади.

— Шу ернинг ўзида қўриб қўя қолай, ичкарига кириб ўтирмайман, — деди Анвар. Унинг жавобидан ҳаули чиққан Андрей:

— Уйга кирверинг, сизни ҳеч ким ебқўймайди, нарсаларни қўриб, танлаб оласиз, — дея уйга киритади.

Андрей тузган режасининг бир қисмини удаллай олганидан мамун, чекрасида сохта табассум акс этиб турар эди. Халқимизнинг «Одамнинг олмаси ичида» деган ҳикмати айни ҳақиқатлигига бунда яна бир бор ишонч ҳосил қиласан киши. Шундай қилиб, Андрей режасининг асосий қисмини бошлаб юборди. Бунда унга Анварнинг ўзи билан олиб келган катта миқдордаги пули «рухий қувват» бағишлайди. Томонларнинг ўзаро суҳбати кучли тортишув даражасига кўтарилади. Жанжал оқибатида Андрей Анварнинг бикини ва кўрагига пичоқ урғач, у шу ерда вафот этади. Қотил ўзини йўқотиб



қўймайди. Аксинча, жиноят изини йўқотиш мақсадида жасадни пичоқ билан булақлаб, иккита сумкага жойлайди. Тоза кийимларини кийиб, ҳеч нима бўлмагандек уйни тартибга келтиради. Марҳумнинг 100 долларлик уяли телефони ва 80.000 сўм пулини олиб, сумкаларни қолдириб, уйдан чиқиб кетади. Қўшбоғи мавзесига бориб, «қадрдон ошнаси» Борис билан героин истеъмол қилади. Кейин Андрей содир этган қилмиши ҳақида Борисга айтиб, жиноят изини йўқотишга ёрдам беришини сўрайди. Икки ҳамтовоқ Бориснинг машинасида Андрейнинг уйига боришади. Сумкаларни олиб чиқиб, машинага жойлаштиришади. Шундан сўнг Тошкент вилоятининг Янгийул туманига йўл олади. Йўл-йўлак жасадни Яқасарой туманидаги «Салор» каналига оқизиб юборишади.

Анварнинг уйга келмаётганидан онаси хавотирга туша бошлайди. Иккундан сўнг Дилфуза опадан кўниқўшни ва таниш-билишлари ҳам Анварни сўроқлай бошлашади. Унинг ўғлини сўраб-суриштирмаган ҳеч қолмайди. Дарага чиқмаган, Дилфуза онанинг милицияга хабар қилишдан ўзга чораси қолмайди. Суриштирув ва тергов давомида Дилфуза опадан Анвар йўқолгунча бўлган воқеаларни диққат билан эслаш талаб этилган эди. Шундай дамларда унинг Анварга бўлган кўнгиракларни эслаб қолгани катта ёрдам берди.

Инсондек яшай олмаганлар

уйда Андрей исмли йигит яшамай-дими?» — дея сўраган эди, ҳалиги опа Андрейнинг онаси бўлиб чиқди...

Икки манфур терговчиларни чагитиш, қорани оқ қилиб кўрсатиш учун жуда кўп ҳаракат қилишди. Аммо уларнинг мақсади амалга ошмади.

Жиноят қийинчилик билан фош этилди. Андрейнинг кўрсатмалари-дан қисқача иктибос:

— Мен Борис билан синфдош эдим. Анвар Сайфиддиновни эса 2003 йилнинг июлидан бери танийман. У билан «Тошкент ҳафтано-маси» газетаси орқали танишганимиз. Анвар менинга тез-тез келиб турар эди. Бир кuni «Бобур» боғида ўтирганимизда олдимга Сергей исмли йигит келиб, мен билан танишди. Қўлимда газета бор эди. Антиквар буюмларга дахлдор эълонларни ўқитганимни кўриб, мендан шундай буюмларга қизиқганимни сўради. Мен унга буларга мен эмас, ўртоғим қизиқганимни айтганман. У эса мен сenga ёрдам беришим мумкин дея ўзининг телефон рақамини ёзиб берди. Кечқурун Анварга кўнгирак қилдим. Унга Сергей исмли йигит билан танишганимни ва антиквар буюмларни топишда ёрдам беришини айтганман. Анвар рози бўлгач, у ва Сергейга кўнгирак қилиб, учрашув тайинладим. Анварга нима бўлганини Сергейдан сўраш керак. У жиноятни содир этиб қўриб кетган. Унинг касрига мен қочиб ўтирибман...

Терговда аниқланишича, Сергей Андрейнинг тўқима образи бўлиб қолди.

Андрей Лашкевич ва Борис Кладов ЖЖИИТ тегишли моддаларга бўйича жавобгарликка тортилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, одам бўлиб туғилмас, лекин инсон бўлиб яшаш, ҳалоллик билан умр кечирish ўзимизга боғлиқ булар экан. Барчани инсоф, тўрилик ва поклик йўлидан адаштирмасин дея ният қиланамиз.

Лола ШОМУРОДОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси,
Гули ХОЖИБОВА,
«Huquq» мухбири

МУНОҚАМА UCHUN MAVZU

Она — фарзанд учун энг меҳрибон, энг азиз инсон. Аммо оилادا отанинг ўрни булак. Чунки у оиланинг устуни, таянчи. Эркаксиз рўзгорининг бут бўлиши нечоғлик қийинлигини бошидан ўтганлар яхши билишади. Сўнги пайтларда кўр-кўрона ҳисларга ишониб қурилаётган омонат никоҳлар огриклик нуктага айланиб қолди. Унинг асоратидан эса бегуноҳ фарзандлар азият чекишмоқда.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни кўрганда ташвишимиз ортади. Ота-она бу дунёда нима мақсад, орзу-умид билан яшапти? Ёшларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари қандай, келажакка ишончи-чи? Бундай саволлар айниқса, ота-онаси тирик бўла туриб, етим бўлган болаларни кўрганда қалбимизни тирнайди.

Когонлик Элдор Ашуровга ота-она меҳрини туйиб яшаш бутунлай беғона. Онаси Ш.Қаюмова жиноят содир этиб, озоликдан маҳрум этилди. Шундоғам оиласидаги доимий келишмовчилик ва жанжаллардан безиб, меҳрдан мусово қолган Элдор янада қаттиқ зарбага учради. Ёмон бўлса ҳам онасининг ёнидалиги унинг учун далда

ТУЪАНЛИК

эди. Халқимизда онасиз етим — шум етим, отасиз етим — гул етим деган мақол бор. Элдор ҳам шум етимга айланди. Ота-онаси ажрашишгач, у кўча-кўйда дайиди юради-ган бўлди. У билан на онанинг, на отанинг иши бўлди. Қаровсиз қолган Элдор меҳрибонлик уйига топширилди. Энг ёмони отаси турли важларни рўқач қилиб, ўғлидан воз кечди: «Мен ҳеч қандай касал бўлганим йўқ. Ногирон эмасман. Касаллар рўйхатида турмайман. Ҳеч қандай нафақа олмайман. Одамларнинг уйида мардикорлик қилиб

юраман.

1998 йилдан ҳозирги кунга қадар ўғлим Элдор Ашуров ҳақида эшитмаганман. Хотиним ва ўғлим билан 1997 йилдан бирга яшамайман. Хотиним 2002 йил жиноят қил-

ганлиги учун қамалди. Ўғлимни меҳрибонлик уйига жойлаштиришди. Чунки уни тарбиялаш учун менда шароит йўқ. Унинг тарбияси билан ҳам шуғуллана олмайман. Унга алимент ҳам тўлай олмайман. Мени оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишларига қарши эмасман.» Отанинг тушунтириш хатида ёзгани шу бўлди. Нақадар тубанлик!!!

Дейдиларки, шабнамнинг бир томчисида қуёш акси намойён бўлади. Инсоннинг инсонийлиги, қомиллик даражаси ҳам меҳру оқибатида кўринади.

Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, бутун борлиқни, пасту баландни яратган тангри бизни ҳайвон ё ўсимлик ёки жонсиз бир нарса қилиб эмас, лутф кўрсатиб, инсон қилиб яратди. Мавзуд жаҳонлар ичида бизни энг азиз қилиб, ўз сирларини билишга мушарраф этди. Шунча неъматларни бериб «Шуқ қилиш билан неъматлар орта беради» деб ёзиб қўйди. Шундай неъматлардан бири — фарзанд! Зеро, инсон ҳаётининг давомчиси, кўзимизнинг нури — фарзанд.

Аммо қалби сўқир, меҳрдан йироқ Ҳасан Ашуровга ўшаганларнинг қилмишидан дил азобланади. Баъзилар фарзанд тирноғига зор. Оталар бор қорақўларнинг бир оғиз «отажон» деган сўзини эшитишга мушток. Аммо бу неъматдан воз кечи, уни моддий таъминлашдан бош тортиш...

Қодир НИЗОМОВ,
Когон тумани прокурори,
Шахло БАҚОЕВА,
журналист



Айни дамда ҳаётда жиноятчиликнинг янги кўринишлари пайдо бўлмоқда. Кибержиноятчилик, техножосуслик, компьютер жиноятчилиги шулар жумласидандир. Жиноят оламига бу тур кўпурчиликларнинг кириб келиши, қабиҳлик ва разолатнинг яққол кўриниши бўлган терроризм, нарқобизнес каби жиноятларнинг четга суриб қўйгани йўқ. Асқинча, «қария» жиноятлар «ёш» жиноятларнинг техник соҳадаги ютугидан ўз ғаразли мақсадидида фойдаланиб келмоқда. Ҳозирга келиб, дунё мамлакатлари ўртасида сезиларли тафовут юзага келди. Давлатлар иқтисодий салохиятига кўра, ривожланган, ривожланмаётган ва қашшоқ мамлакатларга бўлиниб қолди.

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва профилактика ишлари халқроқ ҳуқуқ нормалари асосида олиб борилаётган. Халқроқ ҳамкорлик ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида ҳам ўзига хос ютуқларни таъмин этаядиган. Фикримизни Италия давлати мисолида давом эттирсак.

Харитага назар ташласак, Италия Европанинڭ жануби-ғарбида, Апеннин яриморалида жойлашган бўлиб, ҳаётнинг «катта саккизлик» давлатлари таркибига киради. Сўнги йилларда, мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича профилактика ишларида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Хавфсизлик хизматлари фаолиятига ошқоралик бериш, жиноятчиликка қарши курашда янги технологиялардан самарали фойдаланишнинг кенг йўлга қўйилгани, бу борадаги ишларни ривожлантириш имконини берди.

2002 йил май, Рим. Италия жамоатчилик масалалари бўйича вазир Франко Фраттини хавфсизлик хизматлари тизимларини ислоҳ қилиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинганини эълон қилди. Бу билан маъмур соҳада ўзига хос бўрилиш ясалганлиги маълум бўлди. Интернетда италан хавфсизлик хизматларининг ўз сайтлари очилди. Хар бир киши ўзини қизиқтирган саволга ушбу сайтдан жавоб топиши белгиланди. Мазкур хабарни эълон қилар экан, жаноб Фраттини кўйидаги сўзларни таъкидлаб ўтди:

— Хавфсизлик хизматларида биз янада каттароқ ваколатлар бераётган бир пайтда, инсон ҳуқуқларини поймол этмаган ҳолда (айрим шахсий маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутиляпти), маърифий алоқалар йўналишида сезиларли қадам ташламоқдамиз. Бошқа ривожланган мамлакатларда мазкур тизим алоқачон жорий этилган, навбат Италияга келди. Шу аснода биз оддий фуқаролардан мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари нима ишлар билан банд эканлигини сир сакламаслигимиз даркор. Интернетдаги сайт орқали улар ўзини қизиқтираётган саволларга қўнун доирасида жавоб топишлари мумкин. Мазкур сайт орқали италан хавфсизлик қўнунлари терроризм, қолаверса унинг сўнги кўринишларидан бири бўлган биотерроризмга қарши курашаётганини аниқ маълумотлар орқали билишлари мумкин.

Бундан сал аввалроқ, аниқроғи 2001 йилнинг сентябр ойида Рим мамлакатининг ички асосий хавфсизлик хизматлари ахборот ва демократик хавфсизлик СИДЕ (милли хавфсизлик хизмати) ҳамда ахборот ва ҳарбий хавфсизлик СИМИ (ҳарбий разведка) хизматлари янги раҳбарларни тайинлади. Эндилкида, СИДЕга қарабинерлар генерали Марио Мори, СИМИ га эса молия гвардиясининг генерали Николо Поллари раҳбарлик қилмоқда. Таъкидлаш кераки, италан хавфсизлик хизматлари тарихида илк бор мамлакат хавфсизлик хизмати бошлиғи лавозимига ҳарбий киши-қарабинерлар генерали Мори номиди тасдиқланган. Балки, Италия ҳукуматининг бу қарори хавфсизлик хизматлари тизимини ислоҳ қилишга қаратилган режалардан биридир.

Марио Мори Модена шаҳридаги ҳарбий академияни тамомлаган, 1966 йилда қарабинерлар хизмати сағига киради. Италияда содир этилган

қатор террорчилик ҳуруқлари вақтида Мори пойтахт Римнинг жиноятчиликка қарши кураш бошқармасида фаолият кўрсатган. 1986-1990 йилларда у «Палермо-1» номли қарабинерлар махсус гуруҳига раҳбарлик қилган. Ушбу гуруҳ асосан мафия фаолиятига чек қўйиш билан шуғулланган. Мори қарабинерлар сағида тирик афсонага айланган одам. У бир вақтда ҳам терроризмга, ҳам Сицилия мафиясига қарши курашган инсонлардан биридир. Шунингдек, Марио Мори қарабинерлар хизматининг махсус операциялар бошқармаси бошлиғи, сўнги вақтда эса Команданте Ломбардия лавозиминида ишлаган. Морининг айтишича, ҳаётдаги асосий мақсад — халқроқ терроризмга қарши курашидир.

СИМИнинг янги раҳбари Николо Поллари эса мамлакат полициясининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш махсус бўлими,

нинг ижроия кенгашига Флоренциянинг собиқ префекти Франческо Баррадио бошчилик қилади. Мазкур қўмита 202 киши хизмат қилиб, қўмита СИДЕ, СИМИ, қарабинерлар, полиция, ҳарбий ва молия гвардияси фаолиятини мувофиқлаштиради.

Мамлакат хавфсизлик хизматлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига батафсилроқ тўхталасак.

СИМИ. Ташкилотта 1977 йилда асос солинган бўлиб, ҳозирда унда 2223 киши ишлайди. Ташкилот тизими кўйидаги дивизионлардан (йўналишлар бўйича бошқармалар) иборат. Булар 1. «R» Ricerca-изланишлар (ташқи разведка). 2. «D» Difesa-мудофаа (контрразведка). 3. «E» Elaborazione-вазирта баҳо бериш (таҳлил). 4. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

Дивизионлар ўз номи билан фаолият доираларига ойдинлик киритганлар. Хар бир дивизион ўз йўнали-

шуда жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашда эса бу жуда асқотади. Шу билан бирга полиция ўғирлик, таъмағирлик, қотиллик ва бошқа жиноятларни фош этади, тергов қилади. Полициячиларга давлат полицияси бошлиғи раҳбарлик қилади ва ўз навбатида у ички ишлар вазирига бўйсунлади.

ДИА. Мафияга қарши курашиш бўйича тергов бошқармаси. Мазкур хизмат ўз номи билан фаолият доирасини тушунтириб турибди. Ташкилот 1991 йилнинг 30 декабридаги қўнунга асосан ташкил этилган бўлиб, Ички ишлар вазирлиғи таркибига киради ва Италияда уюшган жиноятчилик, мафияга қарши курашда асосий ташкилот ҳисобланади.

Прокуратура. Мамлакатда қўнунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилади. Юқоридаги хизматлар фаолиятини таҳлил қилади, ўрганади. Шунингдек, мафия-

кўрсатади. Яъни, ишларни тергов қилиш, кўрилатган иш юзасидан фикр билдириш, айбаш уларнинг ваколатларидан айримларидир.

XX асрнинг 80 йиллари сўнгида Италияда «Коза ностра» (италиян мафияси) фаол ҳаракат олиб борган. «Коза ностра» раҳбарлари мамлакатдаги вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилиб, қатор жиноий режаларни амалга оширади. Флоренциядаги Уффици санъат галереяси, авлиё Иоаннинг Римдаги «Ин Латерано» ибодатхонаси олдида содир этилган портлашлар буларнинг бир қисми, холос. 90 йиллар бошида ҳукумат «Коза ностра» фаолиятига чек қўйиш мақсадидида кескин чоралар қўллашга қарор қилади. Италиянинг уюшган жиноятчилик, мафияга қарши курашиш борасидаги етакчи мутахассислари Жованни Фальконе ва Паоло Борселлино каби терговчилар тезкор-тергов гуруҳларига раҳбарлик қилишди. АҚШдаги ҳаммасблари билан биргаликда мафиянинг нафақат ички алоқаларини, балки унинг ташқи таркиби ва илдизини аниқлашга ҳам муваффақ бўлишди. Шунингдек, улар мафиянинг энг сир



молия гвардиясининг генерали лавозимига фаолият кўрсатган. 1943 йилда тузилган Николо Поллари унга олий юридик, иқтисодий ва сиёсий фанлар соҳасида маълумотга эга. Поллари молия гвардиясининг штаби раҳбари, Рим солиқ полициясининг марказий бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. У халқроқ миқёсдаги жиноятларни ҳам тергов қилган. Поллари ўз вақтида вазирлар кенгаши жорий этган иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликларга қарши курашни тергов қўладиган ҳукумат ички гуруҳига ҳам раҳбарлик қилган.

Италия хавфсизлик тизимларининг ҳозирги кўринишига 1977 йилда, мазкур тизимни ислоҳ қилиш жараёнида асос солинган. 1977 йилга қадар мамлакатда, 1965 йили Италия Республикаси Президентининг декрети билан ташкил этилган ягона хавфсизлик хизмати СИД (ахборот хавфсизлиги хизмати) фаолият кўрсатарди. Уша йилнинг 24 октябрида СИД иккита мустақил хизмат СИМИ ва СИДЕга ажралди. Улардан бири мамлакатнинг ички хавфсизлик масалалари билан шуғулланса, иккинчиси ҳарбий разведка масалалари бўйича ишлайди. Икки хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадидида ижроия кенгаши тузилган. Уларнинг фаолиятини назорат қилиш тўғрисида депутат ва тўртта сенатордан иборат парламент қўмитаси зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, ҳукуматда ахборот ва хавфсизлик вазирликларо қўмитаси ҳам жорий этилган. Ушбу қўмитага мамлакат президенти, мудофаа вазирли, ички ишлар вазирли, сановат вазирли, ташқи алоқалар вазирли, молия вазирли ва бошқалар киради. Хавфсизлик хизматларини назорат қилиш бўйича парламент қўмитасининг раҳбар юқоридаги номи зориқ этилган мақолатининг жамоатчилик масалалари бўйича вазир Франко Фраттинидир. Ахборот ва хавфсизлик хизматлари-

шидан келиб чиққан ҳолда хизмат қилади. Зарурат туғилганда ташкилот раҳбари розилиги асосида турли дивизионлар, биргаликда маълум бир иш юзасидан тергов ёки суриштирув олиб бора, уларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилади.

СИДЕ. Штат таркиби 1339 кишини ташкил этади. Ташкилотта 1977 йил асос солинган. СИДЕ бир неча департаментлардан ташкил толган. 1. Мафияга қарши курашиш департаменти. 2. Терроризмга қарши курашиш департаменти. 3. Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш департаменти. 4. Миллий полиция.

Молия гвардияси иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашда ишлайди. Мазкур ташкилот солиқ соҳасидаги жиноятлар, коррупция ва иқтисодиёт билан боғлиқ бошқа жиноятларни ҳам фош этади. Умуман олганда, молия гвардияси бизнинг СВОЖҚК департаментига ўхшаш ташкилотдир.

Қарабинерлар. Раҳбари генерал Луиджи Федеричи. Қарабинерлар хизмати ҳарбийлаштирилган хизмат бўлсада, мамлакат ичида турли жиноятларга қарши курашади. Булар сирасига терроризм, мафияга қарши кураш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳам киради. Полициядан фарқли ўлароқ, қарабинерларнинг муниципал тармоғи йўқ. Улар асосан уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этиладиган оғир жиноятларга қарши курашади.

Давлат полицияси мамлакат ички ишлар вазирлиғи тизимига киради. Полиция юқорида айтиб ўтилган хизматларининг пойдевори десак, ҳазо қўлмайди. Чунки штат бириги хисобига кўра кўнчиликни ташкил этадиган полиция қўш тармоқли агентурага эгадир. Шунингдек, полиция рўйхатида мамлакатда жиноятчилик ёки ҳуқуқбузғирликларга қўл урган барча шахслар тўғрисида маълумот мав-

га қарши курашиш бўйича ташкил этилган миллий бюрого бошчилик қилади. Мафияга қарши курашда хавфсизлик ёки бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг ишини таҳлил қилади.

Мафияга қарши кураш. Маълумки, мафия тушунчаси айнан Италияда келиб чиққан. Мафияни таҳлил этадиган бўлсак, уюшган жиноятчилик деган маънони беради. Эътибор берган бўлсангиз, юқорида номлари қайд этилган ҳуқуқ-тартибот органлари ўз йўналишларидан ташқари, уюшган жиноятчилик ва мафияга қарши кураш олиб борилади. Италияда, мамлакат ички ишлар вазирлиғи қошида ташкил этилган уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Бош кенгаши мавжуд бўлиб, унга ички ишлар вазирли раҳбарлик қилади. Кенгаш аъзоларига давлат полицияси бошлиғи, қарабинерлар қўмондонлари, молия гвардияси бошлиғи, мафияга қарши курашиш, тергов бошқармаси директори, СИДЕ ва СИМИ хизматлари раҳбарлари киради. Мазкур коллегал органнинг асосий вазифалари, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш, хар бир орган ўзин алоҳида бўлган аниқ мақсадларни белгилаб бериш, мавжуд куч ва имкониятларни тўлиқ ишлатилишини таъминлаш йўлиларини аниқлаш, эришган натижалар сарҳисобини мувофиқлаштиришдир.

1992 йилнинг 20 январиди қабул қилинган қўнунга мувофиқ Италия Бош прокуратурасида мафияга қарши курашиш миллий бюроси ташкил этилган. Бюро ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш билан бир қаторда, ҳуқуқ-тартибот ва суд органларининг баҳам-хизмат ҳаракат қилишларини таъминлайди. Мазкур бошқармалар ҳудудий прокуратуралар таркибидида суд органлари сингари фаолият

тутиладиган молиявий операциялардан бохабар бўлишди. Бу билан икки доворак офицер ўзини ўлимга маҳкум этди. Жованни Фальконе 1992 йилнинг майида, Паоло Борселлино эса июлда қўриқчилари билан портлатиб юборилди. Тергов давомида иккала қотилликда ҳам «Коза ностра»нинг «ота-си» хисобланган Тото Реинанинڭ қўли борлиги аниқланган. У 1994 йилнинг январиди Реина Палермо шаҳрида полиция томонидан хиёбга олинб, суд ҳукми билан умрбод қамок жазосига маҳкум этилди. Шундан кейин юзлаб мафия аъзолари ҳам суднинг қора курсисига ўтиради.

Айтиш жоизки, шу йилнинг 2-5 май кунлари Италиянинг миллий прокурори — мафияга қарши курашиш бўйича миллий бюроси раҳбари Пьеро Луиджи Винья раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонда бўлди. Жаноб Винья ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров томонидан қабул қилинди. Учрашувда Ўзбекистон Бош прокуратураси ва Италиянинг мафияга қарши курашиш бўйича миллий бюроси ўртасида уюшган жиноятчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Таъкидлаш керак, Ўзбекистон Бош прокуратураси Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Италия билан бундай меморандумни имзолади. Меморандумнинг имзоланиши икки давлат ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ҳамкорликни яна кенгайтириши билан бир қаторда, Италия ва Ўзбекистон давлатлари хавфсизлигини таъминлаш йўлида қўйилган илдам қадамдир.

ТО УХАТ

ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Прокуратура фахрийси, қарийб 20 йиллик умрини қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга сарфлаган Шариф Раббимов 70 ёшда.

Қашқадарё вилоятининг Чирочки туманида таваллуд топган, 44 йилдан ортқ ҳуқуқ-тартибот тизимидаги меҳнат фаолиятининг қарийб 38 йилли прокуратура органлариға тўғри келган Нарзўлла Ҳуффуллаев 80 ёшни қаршиламоқда.



Ш.Раббимов иш фаолияти давомида Самарқанд ва Жиззах вилоят прокуратураларида туман прокурорининг ёрдамчиси, туман прокуратурасининг терговчиси, катта терговчиси, Самарқанд туман прокурори, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори ва катта терговчи лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Н.Лутфуллаев Қашаши туман прокуратурасининг терговчиси, Дехқонобод, Қашаши, Қарши ва Ҳузор туманларида прокурор лавозимларида сидқидилдан ишлади. Вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда ёшларға ўрнақ бўлиб келди.

Республика ҳуқуқ-тартибот тизимида у кишининг ишчанлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни тарбиялашдаги меҳнатлари доимо эътироф этиб келинган.

Прокуратура ходимлари у кишининг фидокорона меҳнатини, касбға садоқат ва инсоний фазилатларини яхши билади.

Фидойилик, изланиш ва хизмат бурчиға садоқатли бўлиш каби инсоний фазилатлари билан ҳамкасблари ҳамда жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди.

Н.Лутфуллаевнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашға қўшган улкан ҳиссаси ва узоқ йиллик меҳнат ҳукуматиғи томонидан юксак баҳолалиб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвониға мушарраф бўлди.

Хурматли Ш. Раббимов!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарчилиги, фахрийлари ихтимойи қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

IBRATLI TADBIR

Пойтахтимиздаги 102- ва 106-махсус мактаб-интернатларға замонавий компьютер жамланмалари берилди. Сўнги йиллар ичида мамлакатимизда ижтимоий муҳофазаға муҳтож болалар, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилариға эътибор ортиб, бу йўналишда прокуратура, ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик яхшиланиб бораётгани эътирофға лойиқ.

болалар мактаб-интернати ўқувчиси Сироҳиддин Зайниддиновнинг Германияда заиф эшитувчилар ва соқовлар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича 1-жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритгани мисолида ҳам айтиш мумкин.

Эътирофға муносиб...

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Воёға етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож қатламларини, болалар каровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш мақсатида меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятининг яхшиланишиға эришилди. Айнаи пайтда комиссиянинг асосий эътибори бу борадаги фаолиятимизни янада самаралироқ бўлишини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояға муҳтож болалар муаммоларини ҳал этишда қаратилган.

102- ва 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатларида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. «Айнаи пайтда мазкур интернатларда тарбияланувчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Уларнинг таълим-тарбияси, билим ва касб мақалаларини ағгалатиш, бир сўз билан айтганда жамиятда ўз ўрнини топиб кетишида муассасалар муҳим ўрин тутмоқда. Буни 106-заиф эшитувчи

Шу кунги ҳомий ташкилотлар томонидан ташкил этилган совғалар, айниқса бонда замонавий компьютер жамланмаларини қабул қилиб олган болаларнинг шодлиги чекисиз эди.

Тадбирда иштирок этган Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Т.Умаров, Тошкент шаҳар прокурори Б.Валиев, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи А.Зокировлар келажакда мазкур интернат тарбияланувчилари ақойиб инсонлар бўлиб етишажагиға ишонч билдиришти.

Х.АНОРТОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

HAJIYA

Битта маош билан рўзгор бутлаш жуда қийин. «Лотереядан ютаримиканман», деб умид болғаб юрүддим, умидим чиплакка чиқиб кетди. Иқтисодни қориндан бошладим. Эрталаб уйдан ул-бун ейман, тушликда кўча айланман. Ен томондан қараганда кўзға аранг ташланадиган қорин ичкариға тортилган, бир қаватли «чакхалтад» бабақанинг суви оқиб, тарашаға айланган. Озганини қўрган дўстларимдан бири маслаҳат солди. — Сен озишининг йўлини ўрганибсан, озирадиган фирма очсанг-чи!.. Маслаҳат баҳона газетатға эълон бердим. «Расмға қараб қоринни йўқотамиз. Т. 13-159-13».

муддатни қисқартиришимиз мумкин. Лекин тўлови бироз кўтарилди-да! —Келишдиқ, шубуноқ расмини жўнатаман!..

Биринчи микозни дафтарға қайд қилиб бўлгач, иккинчи, учинчи... ва ҳар ярим соатда телефон жиринглайверди. Хамма расм жўнатадиган, мен расмини олган куним ҳисоб рақамини уларға маълум қиладиган, пул ҳисоб рақамимға тушгач, севанси бошлашини таъкидлаб турганимда, орада бир кампирдан қўнғирок бўлди.

— Менға бир яримға етмиш керак, — деди у ютиниб. — Чолим шунақ бўлсин, деган. —Чолингиз шунақасини хохлаяптими? —Ҳа, шунақа деб васият қилган. —Чолингиз ўлганим? —Ўлган! Улмаганда керак эмасди. —Демак, чолингиз ўлим олгудан сизнинг озишиниғизни васият қилган экан-да?

Кампир «озиш-чи» «ёзиш» деб эшитди чоғи. —Ҳа, «мен ўлгач, қабрим устиға бир яримға етмиш ҳажмдаги тошға отимини ёздириб қўй», деган.

—Кечирасиз, биз озирамыз, қабр тошға ёзмаймиз! Сиз бошқа жойға тушдингиз... —Менинг телефоним! — Нера унда тонаёйсиз? Бир ҳафта олдин гаплашганимиз. Мен сизға расм юборганиман, ҳисоб рақаминиғизга пул тузганман, тўғрими? —Тўғри, лекин?... —Нима, лекин?... Тезда эълон босилган газетани топиб, қарасам, эълон чиққан, лекин телефон рақами бошқа эълонники билан алмашиб кетибди!..

—Пешонамға битта урдим. Бир ҳафтадан буюн озишға эмас, қабр тошға бюртма қабул қилаётган эканман. Демак, энди одамларға озиш керак бўлмай қолди-да? —Нимаға бюртма бергансизлар? Илҳом ЗОЙИР

SPORT

Андихон вилотида қаратэнинг киокушинкай йўналиши тез сурьатда ривожланимоқда. Чунки ёшларнинг бу йўналишға бўлган қизиқишлари ортиб, уларнинг сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Бу иш ўз-ўзидан бўлмади, албатта.

КИОКУШИНКАЙ: САФ КЕНГАЙМОҚДА

—Авалло, қаратэнинг бутурининг оммалашшиға хўсса қўшаётган киокушинкай қаратэ вилоти федерациясининг фахрий президенти, вилоти прокурорининг ўринбосари Анвар ака Қуронбоевға ўз миннатдорчилигини билдираман, — дейди федерация президенти Расул Раҳимов. — Чунки унинг савъй-ҳаракати, бераётган амалий ёрдами билан вилотимизда киокушинкай қаратэ йўналиши ривожланиб бормоқда. Ана шуларни ҳисобға олиб Анвар ака Қуронбоевни киокушинкай республика Федерациясининг дипломи билан тақдирлашни барчамизни қувонтирди.

—Хозирда Расулжон Раҳимовнинг шоғирдларидан Отабек Турдиев, Равшанбек Раҳимов, Санжар Бозоровлар вилоти шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Улар турли беллашуларда голибликни қўлга киритишға муваффақ бўлдилар. —Мен, — дейди Отабек Турдиевнинг онаси Инобатхон Ҳабибуллаева, — шу ишға бош-қош бўлаётган вилоти прокуратурасиға катта раҳмат айтаман. Улғим Отабек қаратэнинг киокушинкай йўналиши сирларини Расулжондан ўрганиб, Самарқанд вилотининг очқ биринчилиғида қатнашиб, соврилли ўринларни қўлга киритди. Қўзил Ярим Ой республика жамиятининг Наманган вилотида бўлган мусобақаларида бронза медалини қўлга киритиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади. —Киокушинкай қаратэнинг асосий йўналишларидан бири, — дейди вилоти федерациясининг фахрий президенти Анваржон Қуронбоев. — Мақсадлигини ўнға ёшларни кўпроқ жалб этишди. Чунки воёға етмаганларнинг спорт билан шуғуллианиши уларни жисмонан соғлом қилибгина қолмай, маънан баркамол бўлишиға хўсса қўшади.

Н. ЖўРАЕВ, Вилоти прокурорининг катта ёрдамчиси

Моҳият

Бир донишманд уятни «виждонинг сиртки қўрниниш» дебди. Демак, уятсизлик билан беадаблик, беадаблик билан аҳлоқсизлик, аҳлоқсизлик билан жинояткорлик орасида қалин девор йўқ, уларнинг ҳар бири виждонсизликнинг турли босқичидир. Модомики, шундоқ экан, уятни жамиятимизни балан қазодан аспрайдиган буюк посбон дейиш мумкин. Абдулла КАҲҲОР

HUQUQIY MATBUOT

Мамлакатимизда чоп этилган ҳуқуқий нашрлар сонини яна биттаға ортди. Жорий йил бошдан Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси муассаслиғида «Ҳуқуқшунос-ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий, беэақли журнал чоп этила бошланди.

Янги ҳуқуқий нашр

Кейинги йилларда республикамизда суд-ҳуқуқ ислохотлари изчилик билан ўтказилмоқда. Алтиш мумкинлики, бу йўналишда асосий эътибор судьяларнинг ҳаққини мустақиллиги ва арқинлигини таъминлашға қаратилган. Хўссан, барча судьялар қарор қабул қилишда виждонан ёндолиб, қонунға қатъий амал қилиши, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиши ва судьялик касамёдиға содиқ қолиши шарт. Бунинг учун эса судьяларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш, билимларини оширишға кўмаклашиш, ижтимоий ҳимоя масалаларини сифат жиҳатдан янги боқишға қўтариш, танлики ҳуқуқшунослар тажрибаларини ёш судьяларға таништириш керак бўлади. Дўне юзанин қўрган «Ҳуқуқшунос» журналини варақлар экансиз, унинг саҳифаларида айнан қориндаги жиҳатлар камраб олинганининг гувоҳи бўласиз. Биз «Ҳуқуқшунос» журналининг қадими кўтлүғ бўлишини тилаб қоламиз. Унинг суд-ҳуқуқ ислохотлари йўлидаги парвози бундан ҳам юксак бўлаверсин! ТАХРИРИЯТ

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Наманган вилоти прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси жамоаси бошқарма инспектори Шокиржон Иззатуллаевға онаси Меҳриниса онанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этиди.

HUQUQ yuridik gazeta Ta'isichisi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Abdullolq ABDURAZZOQOV Tahrir hay'ati: Bahriiddin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqol QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 133-82-34, 133-64-72. E-mail: Info@huquq.uz. Faks: 133-64-85, 133-10-53. Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatkichi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G - 62. 16765 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Noyabatchi muharrir: Sh. YODGOROV. Musahihchi: A. MUSTAFOYEVA. Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasiida o'set usulida chop etiladi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 6 8

Gazeta haftaniga chorsanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda